

МАМЛАКАТИМИЗДА ҲУКМ СУРАЁТГАН ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК – БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗДИР

25 март куни барча ҳудудларда эҳсон дастурхонлари ёзилиб, ифторлик маросими ўтказилди. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида ўтган ифторликда иштирок этди.



Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари халқимизни ва жамикки мусулмон умматини муборак Рамазон ойи билан яна бир бор табриклади.

— Ушбу шарофатли ойда гўзал диёримизда мана шундай файзли ифторлик маросимини эл-юртимиз билан биргаликда ўтказиш насиб этгани учун меҳрибон ва қудратли Аллоҳ таолога

беҳисоб шукроналар айтаимиз, — деди Президент.

Мамлакатимизда “Инсон қадрини учун, инсон бахти учун” деган эзгу ғоя ҳамма ишда асосий дастурга айланмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, виждон эркинлиги таъминланаётгани Рамазон ойида янада яққол намоён бўлмоқда. Муқаддас динимиз буюрган хайрли амаллар — аҳиллик

ва ҳамжихатлик, меҳр-саховат, сабру қаноат, ахлоқ-одоб, илму маърифат фазилатлари жамиятимизда тобора мустаҳкам бўлиб бормоқда.

Ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур ўрганиш, буюк тарихимиз ва маданиятимиз дурдоналарини, улуг аллоҳларимизнинг бой меросини тўплаш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор

қаратишмоқда. Хусусан, шу мақсадда пойтахтимизда Ислом цивилизацияси маркази барпо этилмоқда. Бу улкан илмий-маънавий лойиҳа неча минг йиллик тараққиёт ютуқларини ўзида мужассам этиб, ислом цивилизацияси юртимизда айнан илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва маърифат асосида ривожланганини тасдиқлайди, ёшларимизни буюк кашфиётларга руҳлантиради.

Самарқандда ҳадис илмининг султони Имом Бухорий мажмуаси қурилиши ҳам жадал давом этмоқда. Буюк аждодимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган музей ва илмий даргоҳлар билан бирга, 10 минг кишилик масжид бунёд этилмоқда. Бу икки муҳташам обида жорий йилда очилиши режалаштирилган.

Президентимизнинг 14 мартдаги қарорига мувофиқ, бу йил Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллиги кенг нишонланади. У зотнинг Самарқанддаги муборак қадамжоси янада обод қилинади, бой илмий мероси ва мотуридийлик таълимоти хорижий олимлар билан ҳамкорликда ўрганилади.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “КЎКСАРОЙ” ҚАРОРГОҲИДА ЎТКАЗИЛГАН ИФТОРЛИК МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим.

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар, нуруний отахон ва онахонлар!

Қадрили меҳмонлар!

Сиз, азизларни, бутун халқимизни, узоқ-яқиндаги жамикки мусулмон умматини давом этаётган муборак Рамазон ойи билан яна бир бор салимий табриклайман. Барчангизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик ва фаровонлик ёр бўлишини тилайман.

Ушбу шарофатли ойда гўзал диёримизда мана шундай файзли ифторлик маросимини эл-юртимиз билан биргаликда ўтказиш насиб этгани учун меҳрибон ва қудратли Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар айтаимиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги даврамизда иштирок этаётган ҳурматли меҳмонларимизга — хорижий давлатларнинг

элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, диний конфессиялар раҳбарларига Ватанимиз ва халқимизга кўрсатаётган юксак эҳтиром ва эътиборлари учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Азиз дўстлар!

Сизларга маълумки, сўнгги йилларда миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича кўп ишларни амалга оширмоқдамиз.

Бу борада “Инсон қадрини учун, инсон бахти учун” деган эзгу ғоя бизнинг фаолият дастурига айланмоқда. Шу асосда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ижтимоий ҳаётимизда етакчи ўринга чиқмоқда.

Фуқароларимизнинг виждон эркинлиги соҳасидаги конституцийвий ҳуқуқлари

тўлиқ таъминланаётгани бу йил Рамазон ойида янада яққол намоён бўлмоқда.

Муқаддас динимиз буюрган хайрли амаллар — аҳиллик ва ҳамжихатлик, меҳр-саховат, сабру қаноат, ахлоқ-одоб, илму маърифат фазилатлари жамиятимизда тобора мустаҳкам бўлиб бормоқда. Хусусан, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур ўрганиш, буюк тарихимиз ва маданиятимиз дурдоналарини, улуг аллоҳларимизнинг бой меросини тўплаш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ана шу эзгу мақсад йўлида Тошкент шаҳрида бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси маркази Ўзбекистонда илк бор амалга оширилаётган улкан илмий-маънавий лойиҳа сифатида мамлакатимиз ва халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ушбу марказ неча минг йиллик тараққиёт ютуқларини ўзида мужассам этиб, ислом цивилизацияси юртимизда айнан илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва маърифат асосида ривожланганини тасдиқлайди. Бу маскан биз учун нафақат ўтмиш ёдгорлиги сифатида, балки халқимиз, ёшларимизни келажак сари чорлашчи, буюк кашфиётларга руҳлантириши билан айнақса, эътиборлидир.

Хабарингиз бор, улуг ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг Самарқандда барпо қилинаётган муаззам мажмуаси қурилиши ҳам жадал давом эттирилмоқда. Бу ерда буюк аждодимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган музей ва илмий даргоҳлар билан бирга, 10 минг кишилик масжид ҳам бунёд этилмоқда.

Насиб этса, бу йил ана шу икки муҳташам обидани — Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий мажмуасининг

очилиши маросимини барчамиз биргаликда тантанали равишда ўтказамиз.

Халқимизнинг ислом дини ва фалсафасига кўшган бебаҳо ҳиссасини янада теран ўрганиш мақсадида яқинда яна бир муҳим қарор қабул қилдик.

Бу йил мутафаккир аждодимиз, калом илмининг буюк пешволаридан бири бўлмиш Имом Мотуридий ҳазратлари таваллудининг 1155 йиллигини кенг нишонлаймиз. Жумладан, ул зотнинг Самарқанддаги муборак қадамжолари янада обод қилинади.

Энг муҳими, бу ишларимиз Имом Мотуридий мероси ва мотуридийлик таълимотини юртимиз ва хорижий олим уламолар билан ҳамкорликда илмий асосда ўрганишда янги ва катта қадам бўлади.

Ҳурматли дўстлар!

Кўп миллатли жамиятимизда тинчлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, турли

миллат ва дин вакиллари ўртасида дўстлик ва бирдамликни кучайтириш вазифаси доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Шу мақсадда жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида нуфузли халқаро анжуман ўтказамиз. “Декларациялар мулоқоти форуми” деб номланган бу йирик тадбир 2022 йили Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб ўтган анжуманининг мантикий давоми бўлиб, турли диний эътиқод вакиллари ўртасида ўзига хос маърифий мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда яна таъкидлаб айтмоқчиман: мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик — бизнинг энг катта бойлигимиздир.

Давоми 2-бетда

Бунёдкорлик, яратувчанлик
руҳи ва шижоати

Барчамизни ўзгаришлар шукуҳи билан
ҳаракат қилишга даъват этмоқда

Хорижда ишлаётган қариндошлардан бири яқинда юртимизга қайтди. Уни йўқлаб кўнғирок қилсам, томорқада ишлаётган экан. Аҳволлашгач, қишлоқдаги янгиликлар ҳақида сўрадим. “Ҳамма соғ-саломат юрибди, қишлоқдошлар баҳорги экин-тикин ишлари билан банд. Ўйлаб қарасам, қарийб 2 йил деганда миграциядан қайтибман, яқинларимни жуда соғиндим. Ҳаммасини битта-битта йўқлай десам, ҳафта-ой ўтиб кетади. Шуларни ўйлаб ўтган кунни қариндошларни қақриб, ифторлик дастурхони ёздим. Кўпдан бери кўрмаган жигарларим билан дийдорлашиб, дилим яйради”, дейди у.

Сўхбат асосида Янги Тошкентда қурилиш ишлари бошлангани ҳақида эшитганини айтиб, шу янгиликка қизикди. Бу ҳақда мамлакатимиздаги расмий манбаларда хабарлар тарқатилгани, уларни топиб қариндошларнинг ижтимоий тармоқдаги гуруҳига жўнатиб қўйишини айтиб хайрлашдим. Сўнг дарҳол интернетдан ўша хабарларни топиб юбордим.

Орадан икки кун ўтиб, қариндошим яна кўнғирок қилди. Хабарда кўрсатилган Call-марказ рақамига боғлана олмаётганини

айтди. Ижтимоий тармоқларга қарасам, бу ҳолатга масъул вазирлик аллақачон муносабат билдириб, Call-марказдан ташқари телеграм бот ҳам ишга туширилганини маълум қилган экан. Бу маълумотларни ҳам етказдим. У телеграм бот орқали қийнамай боғланиб рўйхатдан ўтгани, юртимизда шундай муносиб иш жойлари яратилаётганидан мамун эканини айтиб, миннатдорлик билдирди.

Давоми 3-бетда

ТАДБИРКОР
ФАҚАТ ЎЗИНИ
ЎЙЛАМАСЛИГИ КЕРАК

Президентимиз Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Навоий шаҳрида қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркор Шахноза Каримова 50 нафар эҳтиёжманд хотин-қизни ўқитиб, ишга олган. Шулардан 10 нафарига уй-жой сотиб олиш учун бошлангич тўловни тўлаб берган.

Энг муҳими, бундай саховатпеша тадбиркор аёллар барча ҳудудларимизда кўлаб топилди. Улар “Мен — бунёдкор аёлман” деган лойиҳани илгари суриб, маҳаллаларда минглаб аёлларни касб-ҳунарга ўқитиб, даромадли қилиш ташаббусини билдиргани, тўғриси, мени жуда руҳлантирди.

Мен ўзида катта ижтимоий масъулият олган мана шундай ишбилармон

хотин-қизларни “Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор аёллари” деб биламан ва уларга чуқур миннатдорлик изҳор этаман. Уларга қандай қўшимча шароит ва енгилликлар керак бўлса, яратиб беришга тайёрман”, дея таъкидлаб ўтди.

Давоми 4-бетда



МАМЛАКАТИМИЗДА ҲУКМ СУРАЁТГАН ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗДИР

Бошланиши 1-бетда

Юртимиздаги турли миллат ва дин вакиллари ўртасида аҳилликни кучайтириш мақсадида шу йил сентябрда яна бир тадбир — Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида “Декларациялар мулоқоти форуми” ўтказилди. Бу халқаро анжуман турли диний эътиқод вакиллари ўртасида ўзига хос маърифий мулоқот майдони бўлади.

Конституциямизга мувофиқ, Ўзбекистон ижтимоий давлат мақомига эга бўлиб, халқчил ва инсонпарвар сиёсат юритилмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида кўмакка муҳтож инсонларга 16 триллион сўмлик моддий ёрдам ва нафақалар берилган. Кам таъминланган oilаларга мансуб 51 минг нафар бола боғчага жойлаштирилган, уларнинг 176 минг нафар аъзосига тиббий кўмак кўрсатилиб, 182 минг нафари ижтимоий хизматлар билан қамраб олинган.

“Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали 94 мингта яқин кам таъминланган oilаларга даволаниш, озиқ-овқат, кийим-кечак, коммунал тўловлар билан боғлиқ 130 миллиард сўмлик харажатлар қўллаб берилган.

“Аёллар дафтари” доирасида 3,5 миллион нафар хотин-қизга 5 триллион 700 миллиард сўмлик ёрдам ажратилган. “Ёшлар дафтари” жорий этилганидан буён 1 миллион 300 минг нафар эҳтиёжмандга 1 триллион 700 миллиард сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилган.

Бундан ташқари, юртимиз ҳожиларининг ташаббуси билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд oilаларга 6 миллиард 300 миллион сўм миқдорида моддий ёрдамлар кўрсатилган.

Юртин овод қилиш, кўчат экиб, боғ яратиш ҳам савобли иш. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси айнан шу мақсадга қаратилган. Ҳозирги баҳор мавсумининг ўзида диний соҳа ходимлари томонидан 10 минг тупдан зиёд дарехт, 32 минг тупга яқин гул экилиди, масжид ва зиёратгоҳлар атрофи обод қилинди.

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”га оид давлат дастури доирасида табиатпарварлик кўлами янада кенгаймоқда. Яқинда Хива шаҳрида ўтказилган Конфессиялараро кенгаш мажлисида юртимиздаги диний конфессиялар вакиллари мазкур давлат дастурида фаол иштирок этиш бўйича мурожаатнома қабул қилди.

Ушбу ифторлик маросимида ҳам хорижий давлатлар элчилари, халқаро ташкилотлар ҳамда диний конфессиялар вакиллари жамлангани юртимиздаги бағрикенглик ва тотувликнинг яна бир ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида дунёдаги вазиёга ҳам тўхталиб ўтди. Аксарият зиддият ва можаролар айнан ислом дунёсида содир бўлаётгани афсус билан қайд этилди.

Нотинчлик ўчоқлари исталган пайтда кенгайиб кетиши мумкинлиги, мусулмон мамлакатларида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун бирдамлик ва ислом уммати ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб экани таъкидланди.

Бунинг учун, биринчи навбатда, ёшларни ёт гоилар таъсиридан сақлаш, илм-маърифатга йўналтириш эътибор марказида туриши керак.

Шу ҳақда гапирар экан, Шавкат Мирзиёев Баҳоруддин Нақшбанднинг “Қўлинг меҳнатда, дилинг Аллоҳда бўлсин”, деган ўғитини ёдга олди. Ёшларимизни мана шундай руҳда тарбиялаш, уларни меҳнат ва касбга ўргатиш жуда муҳим эканини таъкидлади.

Айни кунларда “Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи” шиори остида юртимиздаги 9 минг 500 га яқин маҳаллада кам таъминланган oilаларда ифторлик дастурхонлари ёзилб, уларнинг ҳолидан хабар олинди. Бундай хайрли ишлар инсон қадрини улуғлаш, пок мақсадли барча юртдошларимизни янада бирлаштиришга хизмат қилади.

— Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, “Яхшиларнинг иши — яхшилиқ қилишдир”. Чиндан ҳам, бу ҳаёт айнан эзгулик ва яхшилиқ туфайли доимо ёруғ ва бардавомдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ниятлар ижобат бўладиган муборак Рамазон ойида, Қадр кечаси арафасида туриб, эзгу тилаклар айтилди.

Қурунги қаримдан тиловат қилинди. Аллоҳ таолодан бутун дунёда тинчлик, юртимизда фаровонлик, меҳр-оқибат барқарор бўлишини сўраб, дуолар ўқилди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида ўтган ифторлик тадбирларида нурунийлар, зиёилар, турли дин ва конфессиялар вакиллари, ногиронлиги бор ва эҳтиёжманд кишилар, жами 60 мингга яқин иштирокчи қатнашди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “КЎКСАРОЙ” ҚАРОҒОҲИДА ЎТКАЗИЛГАН ИФТОРЛИК МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Ана шу беқиёс бойлиқни кўз қорачиқдек асраш, юртимиздаги дўстлик, тенглик, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни бундан буён ҳам қатъий давом эттирамиз. Бунинг учун бор куч ва имкониятларимизни тўла сафарбар этамиз. Бу масала ҳозирги мураккаб даврда биз олиб бораётган эркинлик ва очикилиқ сиёсати учун аинқиса ўта муҳимдир.

Муҳтарам юртдошлар! Янги Ўзбекистон янгича устувор таомилларга, жумладан, Конституциямизда аниқ белгилаб қўйилган ижтимоий давлат мақомига эга бўлиб, халқчил ва инсонпарвар сиёсат олиб бормоқда.

Шу борада биргина мисол келтиришга ижозат бергайсиз. Ўтган йилнинг ўзида кўмакка муҳтож инсонларга 16 триллион сўмлик моддий ёрдам ва нафақалар берилди. Кам таъминланган oilаларга мансуб 51 минг нафар бола боғчага жойлаштирилди, уларнинг 176 минг нафар аъзосига тиббий кўмак кўрсатилди, 182 минг нафар эса ижтимоий хизматлар билан қамраб олинди.

“Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали 94 мингта яқин кам таъминланган oilаларга даволаниш, озиқ-овқат, кийим-кечак, коммунал тўловлар билан боғлиқ 130 миллиард сўмлик харажатлар қўллаб берилди.

“Аёллар дафтари” доирасида 3,5 миллион нафар опа-сингилларимизга 5 триллион 700 миллиард сўмлик ёрдам ажратилди.

“Ёшлар дафтари” жорий этилганидан буён 1 миллион 300 минг нафар қадрли кишилар таъминлаш билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд oilаларга 6 миллиард 300 миллион сўм миқдорида моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Энг асосийси, бу ишларимиз изчил давом эттирилмоқда.

Қадри маросим иштирокчилари!

Янги Ўзбекистоннинг устувор хусусиятларидан яна бири — бу “яшил” тараққиёт йўлидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги экологик макон барпо этилмоқда. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси айнан шу мақсадга қаратилган.

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинган жорий йилда амалга оширилаётган давлат дастури ҳам бу борада муҳим қадам бўлмоқда.

Яқинда Хива шаҳрида илк бор кенгайтилган таркибда ўтказилган Конфессиялараро кенгаш мажлисида юртимиздаги диний конфессиялар вакиллари мазкур давлат дастурида фаол иштирок этишга қаратилган мурожаатнома қабул қилди.

Албатта, жамиятимиздаги эзгу ишларда ҳурматли дин пешволари, уламо ва нурунийларимиз, кенг жамоатчилигимиз фаол иштирок этаётганини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Бу йил “Яшил макон” лойиҳаси доирасида баҳор мавсумининг ўзида диний соҳа ходимлари томонидан 10 минг тупдан зиёд дарехт, 32 минг тупга яқин гул экилгани, масжид ва зиёратгоҳларда 25 гектар ер обод қилингани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Юртимиз ҳожиларининг ҳам кўп-лаб хайрли ишларда шахсий намуна кўрсатиб, ўрнак бўлаётганлари албатта барчамизни хурсанд қилади.

Ўтган йили муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари бошчилигида ҳожиларимиз “Янги Ўзбекистон фидойиси бўлиб, маънавий тарғиботчисига айланамиз” деган ташаббусни илгари сурган эдилар. Шу кунга қадар уларнинг ташаббуси билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд oilаларга 6 миллиард 300 миллион сўм миқдорида моддий ёрдамлар кўрсатилди.

2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили БИРИН КЕСМАЙ, ЎННИ ЭКИШ ИШТИЁҚИ

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси мамлакатимиздаги экологик вазиётни янада яхшилаш, табиий ресурсларни сақлаш ва ҳудудларда яшил майдонларни кенгайтиришда катта истикболга эга эканини исботлаб бораётир. Ушбу ташаббус бугун юртимизнинг барча вилоятида, хусусан, Сурхондарёда ҳам кўчат етиштириш, ўрмон ҳудудларини кенгайтириш ва экологик маданиятни оширишга хизмат қилмоқда.

Лойиҳа доирасида 2024 йил кузги — 2025 йил баҳорги кўчат экиш мавсумида вилоят ҳудудида 16,4 миллион туп дарехт ва бутта кўчати экилиши белгиланган. Кузги кўчат экиш мавсумида 6 миллион 401 минг туп дарехт ва бутта кўчати экилиши режа қилинган бўлса-да, амалда 6 миллион 591 минг ниҳол ўтказилган эди. Баҳорги кўчат экиш мавсумида эса 10 миллион 24 минг туп кўчат экилиши кўзда тутилган. Шу кунларда бу борада ишлар қизгин давом эттирилляпти.

— Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида аҳоли ўртасида экологик саводхонликни кучайтириш, табиатни асраш ва кўчатлар етиштиришни омма-лаштиришга қаратилган турли тадбирлар ўтказилмоқда, — дейди Сурхондарё давлат ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи Санжар Бўронов. — Вилоятимизда 83 гектар майдонни қамраб олувчи 25 та яшил жамоат парки ташкил этилди. Бу аҳоли саломатлигини яхшилаш билан бирга, экологик барқарорликни таъминлашга ҳам



катта ҳисса қўшади. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида бундай турдаги хиёбонларни барпо этиш, кўчат етиштириш ва етказиб беришда ўрмон хўжалик-лари катта аҳамиятга эга.

Сурхондарёда фойдаланишга топширилган яшил паркларда турли дарахтлар, бутта ва гул ниҳоллари экилган. Уларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун замонавий агротехника воситаларини қўлдан фойдаланилмоқда. Шунингдек, вилоятда 36,6 гектар майдонни эгаллаган 15 та ҳокимлик боғи ҳам ташкил этилган. Жорий мавсумда ҳар бир ҳудуд иқлимига мос дарехт ва бутта кўчатларини етиштиришга қаратилган маъзилли дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

— “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг жорий мавсумида белгиланган режа асосида кўчатлар Сурхондарё давлат ўрмон хўжалиги томонидан пешма-пеш етказиб берилди. Мақсадга эришиш учун кўчатнинг сифати ва ўсимликлар учун энг қулай шароитни таъминлашга алоҳида

эътибор берилляпти, — дейди Сурхондарё вилояти экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қасрамон Бўриев.

Янги кўчатлар етиштириш, соғлом парвариш қилиш ва ўз вақтида етказиб беришда ўрмон хўжалиқлари фаолияти муҳим ўрин тутаяди. Шу боис, бу жараёнга илмий ва амалий ёндашилишти. Хусусан, Сурхондарё вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси олий таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, илмий тадқиқотлар, инновацион агротехникаларни қўлламоқда. Бу эса ўрмонлар химоясини кучайтириш, кўчат етиштириш ва экологик барқарорликни таъминлаш соҳасидаги илмий тадқиқотларни рағбатлантиришга катта ёрдам беради.

Илмий ишларни ҳаёти жорий қилиш орқали соҳада катта ижобий ўзгаришларга эришиш мумкин. Бу эса экологик ҳолатни яхшилаш ва табиатни сақлашга хизмат қилади. Сурхондарё давлат ўрмон хўжалиги бошқармасининг Термиз туманидаги Сабзипола бўлимида бугун ноёб кўчатлар воҳа иқлим шароитига мослаштирилмоқда.

Лойиҳа доирасида бажарилаётган ишлар натижадорлиги муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари халқаро автомагистралларнинг икки тарафини дарахтзорга айлантириш ва яшил қоплама барпо этиш бўйича топшириқ берган эди. Айни пайтда мазкур топшириқ ижроси бўйича ҳам муайян ишлар қилиняпти. Хусусан, вилоятнинг Термиз туманидаги халқаро тоифадаги йўллар бўйлаб экологик тадбирлар ўтказилляпти.

Ўтган йилнинг куз мавсумида “Олмаота — Бишкек — Тошкент — Термиз” йўналишидаги М-39 халқаро автомобиль йўлининг Термиз, Ангор, Музработ ҳамда

Шеробод туманлари ҳудудидан ўтувчи 61 километрик қисмига манзарали дарехт экиш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилди. Жумладан, йўл ёқасидаги илгари қаровсиз бўлган адир ва тошлоқлар текисланиб, унумдор тупроққа алмаштирилди ҳамда “яшил белбоғ”га айлантирилди.

Қизирик тумани Сурхондарёнинг чўл ҳудудларида бўлиб, бу ерда ҳам экологик муҳитни яхшилаш ва яшил майдонларни кенгайтириш мақсадида тизимли ишлар қилинмоқда.

— “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида туманимиз ҳудудида кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилмоқда, янги дарехт ва буталар экилиб, атроф-муҳитни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу чўлга ёндош ҳудуд бўлган туманимизда экологик барқарорликни таъминлаш билан бирга, аҳолининг турмуши сифатини оширишга ҳам хизмат қилади, — дейди Қизирик тумани ҳокими ўринбосари Зоҳиджон Адиров.

Сурхондарё вилояти жанубий қисмида кўп кузатилаётган, маҳаллий тил билан айтганда, “афрон шамол”нинг олдини олиш, таъсирини камайтириш мақсадида Термиз, Ангор ва Жарқўрган туманлари туташган Қаттақум массиви ҳудудидаги 14,8 минг гектар майдонга 100 минг туп саксовул кўчати ва 80 тонна уруғи экилиб, “яшил қалқон” барпо этилган.

— Мазкур майдонда 290 мингдан ортиқ кўчат экилди. Уларни сугориш тизими яратилди. М-39 халқаро автомобиль йўли атрофидаги 122 километр майдонда сугориш тизими ўрнатилди, 32 та ҳовуз қав-ланиб, ёмғирлағиб сугориш тизими йўлга қўйилди, — дейди Сурхондарё вилояти экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Темура Гойиёназаров. — “Яшил макон” лойиҳаси бошлангандан то шу кунга қадар вилоятда 40 миллиондан ортиқ мева ва манзарали дарехт кўчати экилди. Жорий баҳорги кўчат экиш мавсумида 10 миллион 800 минг туп кўчат ўтказилди.

Халқимиз азалдан табиатни муқаддас деб билган. Сувни, ҳавони, тупроқни, оstonани пок ва тоза сақлашга интилган. “Бирни кессанг, ўрни эк” деган мақолга амал қилиб, катта-катта боғлар барпо этган. Бу анъана энди давлат аҳамияти ва сиёсати даражасига қўтарилди.

Сарвар Тўраев,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Янги ёндашувлар



ЗАМОННИНГ ИЛҒОР ОДАМИ

Бугун тадбиркорлик даврининг илғор соҳаларидан бирига айланмоқда. Яратилаётган шарт-шароит, имтиёз ва имконият соҳа вакиллари янги марраларга ундамоқда. Шу йил 19 март куни Президентимизнинг қичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашуви ишбилармонларга янада куч ва ғайрат бағишлади.

Учрашувда давлатимиз раҳбари кўп-лаб ташаббус ва гоилар, янгиликларни айтди. Уларнинг барчаси тадбиркорларнинг дилидаги гап бўлди. Энг асосийси, қараёнга ўша куннинг ўзидаёқ киришилди ва бу борадаги ишлар қизгин давом этмоқда.

— Учрашув биз, тадбиркорлар фаолиятида янги босқич бошланаятгани, соҳа давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканини аниглади, — дейди Нукус шаҳридаги “Visconti” корхонаси раҳбари Мийригул Каипова. — Мен ҳам тадбиркорлигимни ана шу имкониятлар асосида, яъни 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан бошлаганман. Шунга ҳам бир йил бўлди. Айни пайтда корхонамизда меҳнат қилаётган 6 нафар хотин-қиз билан бирга аҳоли дастурхонига 46 турдаги нон ва нон маҳсулотларини етказиб бераймиз.

Нукусда имкониятдан самарали фойдаланиб келаётган тадбиркорлар кўп. Ҳамидбек Қосимов шулардан бири. У дастлаб бир мўдат акасининг корхонасида ишладди. Кейинчалик ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди: 2017 йилда “Осиё ёғдуси” масъулияти чекланган жамиятини очди.

— 2019 йилда инвестиция қилиштириш шарт билан Нукус тумани “Саманбай” овул фуқаролар йиғини ҳудудида бўш турган устаконани жамият балансига олиб, қандолат цехи ташкил қилди, — дейди Ҳамидбек Қосимов. — Бунинг учун Тошкентдан илғор тадбиркорларни тақлиф қилиб, маслаҳатини олдиқ, тажрибасини ўргандик. Шундан бери маҳсулотларимизни Нукус

ёшларни ҳалол меҳнат қилиб, oilаси ва юрт фаровонлиги йўлида тинимсиз изланиб яшашга ўргатадилар, деб ишонаман.

Хурматли дўстлар! Ушбу фазилатли ой давомида юртимиздаги 9,5 мингта яқин маҳаллада кам таъминланган ва эҳтиёжманд oilаларда ифторлик дастурхонлари ёзилб, хайр-саховат ишлари амалга оширилди.

Жойлардаги бу тадбирларда муфтий ҳазратлари ва имом-хатибларимиз ҳам хонадонма-хонадон юриб, фаол иштирок этишди.

Ўйлайманки, “Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи” шиори остида ўтказилган бундай хайрли маросимлар инсон қадрини улуғлаш, пок мақсадли барча юртдошларимизни янада бирлаштиришга хизмат қилади.

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, “Яхшиларнинг иши — яхшилиқ қилишдир”. Чиндан ҳам, бу ҳаёт айнан эзгулик ва яхшилиқ туфайли доимо ёруғ ва бардавомдир.

Шу боис эзгу ниятлар ижобат бўладиган муборак Рамазон ойида, Лайлатул қадр кечаси арафасида туриб, юртимизда, бутун дунёда тинчлик ва фаровонлик, меҳр-оқибат барқарор бўлишини сўраб дуолар қиламиз.

Илоийм, ҳаётимиз доимо мана шундай мунаввар, фазилли ва баракали бўлсин!

Дуоғўй отахон ва онахонларимиз соғ-омон бўлсинлар!

Меҳрибон опа-сингилларимиз, ака-укаларимиз ёнимизда доимо тоғдек таянч бўлиб турсинлар!

Фарзандларимиз билимли, касб-хунарни, азму шижоатли ёшлар бўлиб, Ватанимиз шухратини дунёга тараннум этсинлар!

Юртимиз тинч, меҳнатқаш, олижаноб халқимиз ҳамisha омон бўлсин!

ва Оқмангит дехқон бозорлари, шунингдек, хоразмлик буюртмачиларга сотаямиз.

Элиқалқал туманининг “Навойи” овул фуқаролар йиғинида яшовчи Ҳамдам Саид-абдуллаев қорақалпоқ шароити учун ноодатий бўлган тадбиркорлик, яъни туяқуш боқиб билан шугулланади.

— Бу ишга Фарғона вилоятидан 6 та туяқуш жўжаси олиб келиб киришгандим, — дейди тадбиркор. — Сўнг инкубатор сотиб олдим. Ҳозир ўзим аҳолига туяқуш жўжаларини сотаяман. Шугулланса бўладиган бизнес экан. Инкубаторда жўжалар 42 кунда туҳумини ёриб чиқади. Озгина парваришлаб сотувга чиқараман. Шу иш ортидан йилига 300 миллион сўм соф фойда оляман. Туяқуш боқиб оилавий тадбиркорлик учун жуда қулай. Икки киши етади. Озуқасини вақтида бериб турсангиз, бас. Қасаланиш хавфи оз, фақат вақтида эмлаб туриш керак.

Айни пайтда “Навойи” овул фуқаролар йиғинида яшаётган 5925 кишидан 842 нафари чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик билан шугулланади. Улар давлатимиз раҳбарининг “Тадбиркорлик қанча тез ривожланса, мамлакатимиз шунча қудратли бўлади, халқимиз шунча фаровон яшайди” деган сўзларидан куч олиб, астойдил меҳнат қилмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



УШБУ МАҚОЛНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!





Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Хабарларга кўра, 20 минг гектар майдонда бунёд этилаётган Янги Тошкентдаги бино ва ишшоотларни қуриш учун 38 йил ишлаб 10 мингта яқин мутахассис ишга таклиф қилинмоқда. Ишчилар ётоқхона, кийим-кечак, транспорт хизмати ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Маоши иш тури ва соатидан келиб чиқиб 8 миллион сўмдан 15 миллион сўмгача. Расмий ишга жойлашганлар учун 8 соатлик иш режими ҳамда кўшимча дам олиш куллари амал қилади.

Шу боис, бу қурилишда ишлаш кўплаб юртдошларимизнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, меҳнат ҳаётимизнинг ажралмас қисми, ҳар биримиз муносиб маош тўланадиган, имкон қадар хавфсиз ва қулай шaroитда ишлашни истаймиз. Аммо яқин-яқингача муносиб иш жойи топиш амримаҳол эди. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи ва ҳаёт сифатига таъсирини ўтказиб келарди. Хусусан, ишсизлик жамиятимизда камбағалликни юзага келтирувчи асосий омиллардан бирига айланганди.

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топиш, барча соҳа ва тармоқларни замон талабидан келиб чиқиб модернизациялаш орқали юртимизда sanoatни ривожлантириш, янги иш жойларини барпо этиш борасида дадил қадамлар ташланди. Натижада иқтисодиётнинг турли тармоқларига инвестиция жалб этиш ҳажми йилдан йилга ошиб, кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилди. Одамларда тадбиркорлик, ишбилармонлик кўникмасини ривожлантириш орқали кичик бизнес соҳаси кенгайишига кенг йўл очилди. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга замин яратмоқда. Шу мақсадда илгор хорижий ёндашувлар ҳамда мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, энг қулай бўгин — маҳалла даражасига тушган ҳолда



иш юритиш, аҳоли даромадини оширишда фуқароларнинг касб-хўнара эгаллаши ва ўз бизнесини бошлашига кўмаклашиляпти.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумотига кўра, ўтган йили аҳолининг бандлигига кўмаклашиш дастури доирасида 5 миллион 265 минг киши даромадли иш билан таъминланди. 326 мингта микролойҳа ишга туширилиши ҳисобига 578 мингдан ортқ янги иш ўрни ташкил этилди.

Жорий йилда бу хайрли ишлар юқори босқичга кўтарилиб, бандлигини таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлиши белгиланди. Бу йил ҳам 5 миллион 200 минг кишини банд қилиб, 1,5 миллионини камбағалликдан чиқариш, 42 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиб, экспортни 30 миллиард доллардан ошириш ҳисоб-китоб қилинган.

Ўз навбатида, халқимиз учун муносиб ва фаровон ҳаёт барпо этишни кўзлаб амалга оширилаётган мазкур ислохотлар фуқароларнинг ҳаётида қандай ас этаётгани, одамларнинг бу борадаги фикр ва қарашлари қандай эканини билиш жамиятини янада ривожлантиришнинг истикболдаги йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. “Тараққиёт стратегияси” маркази ҳамда Жаҳон банки томонидан амалга ошириб келинаётган “Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” лойиҳасининг мақсади ана шундай долзарб масалаларга ечим топишга йўналтирилган.

Бу Ўзбекистондаги ислохотларнинг фуқаролар ҳаётида қанчаллик ас этатганини ўрганиб бораётган ягона тадқиқот лойиҳасидир.

Ушбу лойиҳа доирасида 2023 йилда ўтказилган сўрвонмада уй хўжалиқларининг 55 фоизи даромад топиш учун шароитлар яхшилашнинг айтган эди. Жорий йилда 1500 га яқин уй хўжалиги билан бу хусусда ўтказилган сўров натижаларига кўра, 88 фоиз хўжалиқлар ижобий ҳулоса берган. Умуман, Ўзбекистон аҳолисининг 94 фоизи бутунги ислохотларни қўллашни билдирган. Албатта, бу ютуқлар ҳар бир ислохотни амалга оширишда халқ билан мулоқотнинг оқилона тизими йўлга қўйилганининг ўзига хос самарасидир.

Бундай эзгу ишлар изчил давом этмоқда. Шу мақсадда 2025 йил аввалидан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича янги тизим жорий қилинди. 208 та туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда банклар раҳбарлари ўрта-сида бу борада ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Банк филиалларида маҳаллабай ишлаш бўлимлари ташкил этилиб, уларга маҳалла банкирлари тайинланди. Натижада январда 239 минг, февралда 480 минг киши даромадли меҳнатга жалб қилинди.

Йил бошидан кичик ва ўрта бизнесга жами 14 триллион сўмлик кредит йўналтирилди. Жумладан, тадбиркорлик дастурлари доирасида 2 триллион сўм ажратилди. Одамларга даромад топиш имконияти, тайёр бизнес лойиҳалари таништирилиб, амалга ошириш йўллари ўргатилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 6 мартдаги “Маҳаллаларда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги фармойиши асосида бу жабадаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Унга кўра, 2025 йил 11 мартдан бошлаб “Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги эълон қилинди. Ойлик доирасида маҳаллаларда 29 мингта кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва хўнарамандчилик лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг учун зарур қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналари, аҳоли хонадонларига 1,23 миллион бош парранда, 24 минг қути асалари, 21 минг бош қўй-эчки ва қорамол етказиб берилди.

Шунингдек, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” ҳамда ижара ерларда “Бир контур —



— Ушбу чора-тадбирларни амалга оширишдан кўзланган мақсад, аввало, аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва юқори даромад топишга эришишдир, — дейди Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги департамент бошлиғи ўринбосари Мухтор Шоназаров. — Энди аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган янги чора-тадбирлар асосида иш юритилиб, ҳар бир туманда 5 тадан драйвер лойиҳани амалга ошириш, 100 минг гектар қўшимча ер майдонини аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун узоқ муддатга ижарага бериш, камбағал оилаларга кўча дўкон, мотороллер, скутер каби воситаларини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан ссуда асосида бериш кўзда тутилган. Шунингдек, камбағал оилалар фарзандларининг мактабгача таълим камровини 80 фоизга етказиш, оиланинг камсиз-хунарга ўқитиш, бир фарзанд олий маълумотга эга бўлиши учун шароит яратиш чоралари қўрилади. Бунда хотин-қизларга асосий эътибор қаратилади. Болаларни ахборот технологиялари бўйича ўқитиш ҳам эътиборда бўлади.

Бундан ташқари, камбағал оилаларнинг ҳар бир аъзоси бир йилда бир марта тўлиқ тиббий кўрикдан ўттиши, ҳар бир фарзанди спорт тўғрақларига қатнашиши учун имкониятлар яратиш, уларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш диққат марказида бўлади. Бундай оилаларнинг яшаш шароитини яхшилаш учун ипотека тизимидан фойдаланиши янада кенгайтирилади.

Барча бўғиндаги давлат ҳокимияти органлари камбағал оилалар билан мунтазам тўғридан тўғри алоқа ўрнатиши, бирдамликда ҳаракат қилиши ҳамда раҳбарларни камбағал оилаларга бириктириш, уларнинг муаммоларини биргаликда ечишга кўмаклашиш борасида тизимли ишлар қўйилди.

Шу билан бирга, юртимизда камбағалликни қисқартириш соҳасида эришилган ижобий натижалар ва тўпланган миллий тажрибадан келиб чиқиб, илгор халқроқ амалиёт асосида янги ёндашувлар жорий этилмоқда. Мисол учун, ўрмон фонди ерида ўрмонлар ва қўчатхоналар ташкил этиш, доривор ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш орқали 46 минг кишининг бандлиги таъминланади. Кооперация асосида шароити оғир қатор маҳаллаларда қўш фотозлектр станцияларини барпо этиш, “компания — кооператив — деҳқон хўжалиги” тамойили асосида қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш, туризм хизматларини ривожлантириш ва туризм маҳаллаларини барпо этиш орқали янги иш ўринларини очиш кўзда тутилган. Ахборот технологиялари соҳасида замонавий касбларга бепул ўқитиш, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш орқали камбағал аҳолига янги ёндашувлар асосида ёрдам кўрсатиш режалаштирилган.

100 та энг самарали микролойҳа

Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришда тадбиркорларнинг ўрни катта. Шу боис, аввало, тадбиркорлик ривожига кенг йўл очиш, қолаверса, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш орқали бандлигини таъминлаш ва камбағал оила аъзоларини ишли қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ҳудудларда ижобий натижа берган лойиҳалар орасидан

“100 та энг самарали микролойҳа” каталоги яратилиб, ҳоким ёрдамчилари орқали барча ҳудудда омалаштирилмоқда.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги “IMDI baby” хусусий корхонаси ҳам мазкур рўйхатга кирган ишлаб чиқариш тузилмаларидан. Ташкил топганига энди 5 йил бўлган ушбу корхона қисқа муддатда маҳаллий бозорлардан мустаҳкам ўрин эгаллаш билангина чекланмай, АҚШ, Франция, Туркия, Россия, Ҳиндистон, Қозғогистон, Қирғизистон каби давлатларга маҳсулотини экспорт қилмоқда.

Корхона раҳбари Гулруҳ Абдужабборовва эса ўтган 5 йилда “Аёллар дафтари”да турган ишсиздан катта тадбиркорга айланди. Бугун корхонанинг йиллик соф даромади 100 миллион сўмга етди. Ҳозир бу ерда 30 дан зиёд киши иш билан банд.

Бор-йўғи 5 йилда бундай катта ютуқларга эришишнинг сирини нимада? Бунинг учун истеедод, билим ва интилишнинг ўзи етарлими?

Гулруҳ Абдужабборованинг тадбиркорлик соҳасида эришаётган натижаларини кўрган кўплаб ёшлар унга ҳавас билан қарашни баробарида, дилида кечаетган ана шундай саволларига жавоб олишни истайди. Тадбиркор аёл эса ёшларга ўзининг ҳаёт йўли, тажрибаси, ютуқлари ҳақида сўзлар экан, аввало, буларнинг барчаси юртимизда тадбиркорлик ривожини учун яратилган замонавий муҳит маҳсули эканини, қолаверса, оиласи, яқинлари кўмағида ушбу натижаларга эришганини такрор-такрор айтишдан чарчамайди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлар сафини кенгайтириш борасида барча шароит яратилмоқда. Аҳолининг муносиб даромад топиши ва фаровон ҳаёт кечиришида оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг муҳим ўрни эътиборга олиниб, ушбу соҳалар изчил ривожлантириляпти.

Хусусан, ўтган йили “Оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш” дастури доирасида 372 мингта лойиҳа имтиёзли кредит билан қўллаб-қувватланди. “Кичик бизнесни узлуқсиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури доирасида ўқув курсларида 54 мингдан зиёд тадбиркор ўқитилди.

Махсус курсни тамомлаган тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш кенгайса,

албатта, янада юқори натижаларга эришилади. Шуларни инобатга олиб, комплекс дастур доирасида курсда қўшимча таълим олган тадбиркорларнинг 90 фоизига кредит маблағи ажратилди.

Шу билан бирга, 67 минг 700 нафар ишсиз, айниқса, камбағал оилалар аъзоларининг тадбиркорлик, касаначилик, хўнарамандчилик фаолиятини рағбатлантириш учун субсидия ажратилди.

Бундай имконият эса тадбиркорлар сафини тобора кенгайтиряпти. Қибрайлик Саида Янгйбоева ҳам ана шундай замонашларимиздан. Тикувчилик — унга момомерос касб. Авлоддан авлодга ўтиб келаетган ушбу ҳунарни онасидан ўрганган. Рўзгор ишлари, болалар тарбиясидан буш вақтида қўни-қўшинининг буюртмаси бўйича ишлаб, оиласига даромад киритиб келган.

Ўша пайтларда бир кун келиб шу ҳунари орқали катта тадбиркорга айланиши асло хаёлига келмасди. “Аёллар дафтари” юритила бошлагач, хотин-қизлар шу орқали қўллаб-қувватланаётганини эшитиб, маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилади. “Аёллар дафтари” рўйхатига олиниб, “Бизнесга биринчи қадам” дастури орқали олинган кредит натижасида фаолияти кенгай бошлайди.

Унинг тикув цехида миллий каштачилик буюмлари тикилади ва кўрпа-тўшак қапилади. Сифатли ва миллий андозаларга мос бўлган ушбу маҳсулотларнинг бозори жуда чаққон. Ҳозир бу ерда 5 аёл иш билан банд. Иш жараёни асосан, қўл меҳнатига асослангани сабабли энергия ва бошқа ресурсларга катта эҳтиёж йўқ. Аммо маҳсулотлар хари-дортир ва бу ишчиларнинг меҳнатидан муносиб даромад топишни таъминляпти. Натижада Саида Янгйбоева “100 та энг самарали микролойҳа” каталогидан ўрин олган фаол тадбиркорлардан бирига айланди.

— Бундан бир неча йил аввал ўз бизнес лойиҳантни йўлга қўйиб, тадбиркор бўласан, дейишса ишоний қийин эди, — дейди С.Янгйбоева. — Ўшанда қўни-қўшинининг буюртмасини тикиб оилага озгина даромад киритганимга ҳам қувонардим. Бугун эса ҳаёт тарзимиз бутунлай ўзгарди. Аждодлардан мерос бўлиб келаетган ҳунаримиз ортидан катта тадбиркорга айланылмиз. Ҳалол меҳнатимиз туфайли яхши даромад топиб, тўқис яшайлмиз. Қолаверса, ишсиз аёлларни

ишли қилиб, уларга тадбиркорлик йўлини ўргатялмиз. Бугун бизнесимиз ривожини учун имкониятлар катта. Улардан оқилона фойдаланиб, ҳам ўзимиз бойишимиз, ҳам давлатимиз ривожига ҳисса қўиши — асосий бурчимиз деб биламан.

Ўз навбатида, давлатимиз томонидан ана шундай фаол, ташаббускор, изланувчан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борабариди, ишбилармонлар сафини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Жумладан, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағал оилалар аъзоларини ишга жойлаштириш кўзда тутилган. Шу мақсадда жорий йилда 50 та туманда, 2026 йилда қолган туманларда 50-100 гектардан ижара асосида ажратилган ерда sanoatлашган плантация, бог ва узумзорлар ташкил этилади. “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида туманларда камида 40 гектар майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича намунавий лойиҳалар амалга оширилади. 2026 йилга қадар ҳар бир ҳудудда камида иккитадан қўп қаватли комплекс sanoat марказлари барпо этилади ва тадбиркорлар жойлаштирилади.

Саноат кириб бормаган маҳаллаларда 2025 йилда 1000 та, 2026 йилда 2000 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда кичик ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилади. Ҳар йили камида 500 та хўнарамандчилик ва касаначилик лойиҳасини маҳалланинг ўзида жорий этиш ҳамда кенгайтириш чораси қўрилади. 2025 йилда қадар 2000 та маҳаллада, 2026 йил якунига қадар қолган маҳаллаларда салоҳиятли тадбиркорлар ва брокерлар билан ҳамкорликда етакчи тадбиркорлар фаолияти йўлга қўйилади.

2025 йилда қўни-қўшинининг тегишли тармоқ ва соҳаларга ихтисослашган маҳаллалар сони ҳар йили 10 фоиз ошириб борилади. Ҳар йили ўзини ўзи банд қилган 50 минг фуқарони босқичма-босқич кичик бизнес субъектларига айлантириш чораси қўрилади.

Албатта, бу хайрли ишлар тадбиркорлик ривожини учун муҳим истиқболларни очади. Хусусан, саноат кириб бормаган, ишсизлик жиддий муаммо бўлган чекка ҳудудларда кичик ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади. Бу ҳар ким ўз яшаш жойига яқин ҳудудда муносиб иш топиш учун қулай имконият деганидир.

Қолаверса, ҳудудларга sanoatни олиб кириш орқали чекка қишлоқларда нафақат янги иш ўринлари яратиш, балки қон-қонимизда яшириниб ётган тадбиркорлик, ишбилармонлик руҳини уйғотиш, яратувчанлик, бунёдкорлик туйғусини жўш урдириш, деганидир.


Мамлакатимиз бўйлаб қизгин руҳда давом этаётган бандлигини таъминлаш ва камбағалликни камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар, “Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги, “Ишил макон” умуммиллий лойиҳаси ва бошқа эзгу ташаббуслар ушбу хайрли ишларга янги чарча суруят ва шиддат бахш этмоқда. Шу тарзда янгиланишлар нафаси ҳар бир маҳалла, ҳар хонадонга, энг муҳими, ҳар бир инсон қалбига кириб бориб, барчани ўзгаришлар шуккуҳига ҳамоҳанг қадм ташлаш, янгилаш имкониятлардан фойдаланиб яратувчанлик руҳи билан яшашга даъват этмоқда. Бу қақирқларга ҳар биримиз муносиб жавоб қайтарсак, хайрли ишларда камарбаста бўлсак, ватан тараққиётга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.





“Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги

Ота пойтахтда ишлайдиган ўғлига кўнғироқ қилиб, томоркани чоптириш, экин экиш учун пул зарурлигини айтди. Ўғил эса бирор ҳафтада маош олишини, шу кунларда ортиқча маблағи йўқлигини билдирди. “Унда қарз олиб бўлса ҳам ерни хайдатиб туравераман, чунки томорқасида экин-тикин ишларини бошламаган хонадонларни рўйхатга олишяпти”, деди ота.



25 йиллик МУАММО

ЕЧИМИНИ ТОПДИ

Ҳа, томорқасини қаровсиз қолдирган фуқароларга ер солигини уч баробар тўлаш чораси кўплаб одамларни ҳушёр тортириб қўйди. “Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги мастулардан маҳаллабай, хонадонбай ишлашда фаоллиқни талаб қилаяпти. Шунинг учун ҳам айни кунларда томорқаси бор одам хоҳ ўзи, хоҳ одам ёллаб ер чопишу экин экиш билан банд. Бироқ томорқаси йиллар давомида тўйиб сув ичмаган, оқар сув кўрмаганлар ҳам бор. Улар фақат сувсизликка чидамли дарахтлар экишдан нарига ўтолмайди. Биз қабилар нима қилади энди, дея ўйланган турган Чортоқнинг Қорамурт маҳалласи аҳли шу кунларда “сув келди” деган хабарни ориқиб кутаяпти.



Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури маҳаллаларнинг корига яради. Чунки айни дастур доирасида ҳудудларда аҳоли томорқаларини сугориш тизимини яхшилаш учун бу йил қириқда жойлашган Қорамурт маҳалласи танланган. Қўямати қарийб 3 миллиард сўмлик ушбу лойиҳа амалга ошса, маҳалладаги 648 та хонадондан

Ҳатто резаворларни ҳам бозордан харид қиладиган маҳалла аҳли ақсарият хонадонларда фақатгина бодом дарахтини кўрасиз. Сувсизликка чидамли дейилган шу дарахт ҳам серҳосил бўлиши даргумон бу ҳудудга 25 йил деганда оқар сув келаётгани тарихий воқея. Маҳалла раиси Ғайрат Омонқоновнинг айтишича, шу пайтгача сув бутунлай йўқ бўлган эмас, бўлган. Бироқ томорқадан ҳосил олиш даражасида эмас. Томорқалар эса катта. Бодомдан ҳам атиги 1-1,5 килограммдан мева олинган. Уям рисоладагидек бодом эмас, жуда майда ҳолда пшадди. Сувсизликда пишган меванинг таъми ҳам ҳаминқадар бўлади. Шундай бўлса-да, аҳоли лоақал

мевали дарахтларни сақлаб қолиш учун сув ташиб бўлса-да, ҳаракат қилган. Фаол кўчабошилардан бири Шавкатжон Мираҳмедов бундан 20 йил аввал уй-жой қилиш учун катта пулга сув олиб келиб, машаққат билан бошпана қурганини эслади. Фақат маҳалладаги биргина тадбиркор уйдан сув чиқарган, иссиқхона қурган.

— 2 та сув омборимиз бор. Қорамурт ва Чортоқ сув омборлари. Лекин уларнинг суви шу пайтгача бизга насиб қилмаган. Экинларимиз қуриб кетди. Мана, маҳалламизга оқар сув тармоғини тортиш бу йил режага кириб, сув омборидан сув олиб келиняпти. Бу хушхабарни эшитганимдан кейин хурсанд бўлиб картошка экяпман. Ваҳоланки, ҳеч қачон ушбу экинни экмас эдик. Энди резавор экинлардан ҳам кўпроқ экяпмиз. Аслида, ҳар йил баҳор келиши билан томорқага мевали дарахтлар экиб, кундалик эҳтиёж учун полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиргимиз келарди. Лекин сугориш муаммоси сабаб бунга ботинмасдик. Шунча қилган меҳнатимиз бир пул бўлмасин, дердик-да. Чунки ҳосил олиш у ёқдан турсин, ундиришнинг ўзи амримаҳол эди. Энди иккиланмаймиз. Бу қилинаётган хайрли ишлар, албатта, ўз натижасини кўрсатади. Томорқаларимиз гуллаб-яшайди, — дейди маҳалла фаолларидан яна бири Рустамжон ака Ҳакимжонов.

Бир танишимнинг қуйидаги гапи ёдимга тушди: “Сув етиб бормаган жойдан текинга берса ҳам, қаср бўлса ҳам уй олмайман”. Заҳматкаш қорамуртликлар эса чорак аср челақлаб сув ташиб, томорқаларини бутунлай қакраб қолишдан асраб келди. Шунинг учун ҳам бугун уларнинг кўпи “Яқинда томорқаларимизга оқар сув келади”, деган гапга ишонгиси келмаяпти. Обиҳаётнинг янги ҳаёт олиб келишига ишонч боғланлар эса қувур тортаётган усталарнинг чой-овқатидан бажонидил хабар олиб турибди. Улар учун маҳаллада барча зарур шароитлар яратиб берилди.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЧИҚИНДИ ЎЗ ЎРНИГА ТАШЛАНСА — БОЙЛИК



Тасодифан кўчада 50 ёшлар атрофидаги юртошимиз бир бинони кўрсатиб юборишимни сўради. Йўл баҳона озгина суҳбатлашиб ҳам кетдик. Сумкаси катта бўлгани учун ёрдамлашмоқчи бўлдим, у оғир эмаслигини, бир неча елим идиш борлигини айтди.

Сўзларига кўра, у чиқиндиларни тўғри келган жойга ташлаб юборавермас, йўлида махсус кутилар учраса, шуларга ташларкан. Бу одат менга бегона бўлгани учунми, ё ёлгон гапиряпти ёки бир оз ғалатиоқ одам бўлса керак, деган ҳаёлга бордим. Озроқ юрган ҳам эдикки, йўлимиздан чиқинди қутиси чиқди. Айтганидек, сумкасини очиб, уларни қутига ташлай бошладим. Яна денг, елим идишларни елим учун мўлжалланган идишга, қоғозларни қоғоз учун мўлжалланганга ажратиб ташладим. Мен эса бу инсон ҳақида ҳар хил ҳаёللарга бориб ўтирганим учун ўзимдан уялдим. “Жуда камёб одамлардан экансиз ўзим”, дедим йўлда давом этарканмиз. У эса жилмайди. “Бу ерда камёб кўринамиз-да, хорижда бу одатий ҳол”, деб жавоб қайтарди.

Ҳамроҳим узоқ йиллар хорижда яшаган экан. Ўзбекистонга қайтиб келганига икки йилча бўлиб қолди. Унга сўраган биносини кўрсатдим, раҳмат эшитиб, йўлда давом этдим. Кейин ўйладим — бизни қийнаётган одатларга бутун жамият бўлиб мослашса бўларкан-да! Тан олиш керак, бизда чиқиндида муносабат, афсуски, ҳанузгача ҳавас қиларли даражада эмас. Бундан бир неча йил илгари кўчаларда, аҳоли гавжум ерларда чиқинди кутилари йўқлигидан нолирдик. Бугун уларнинг сони сезиларли кўпайди, бироқ шу билан ҳам йўл четларию ариқлар ичига чиқинди ташлаш одати қамайгани сезилмаяпти. Гўё биз ташлаган кичкина чиқинди бутун шаҳарни ифлослантирмайди. Яна ўзимизга таскин берамиз: шу чиқиндиларни ташлаш учун ободонлаштириш ходимлари маош оляпти-ку... Бу ҳолат ғалати кўрина-да, ҳали эсини танимаган болакайнинг изини онаси тазалаб юришига ўхшайди. Ваҳоланки, кўча-кўйда кап-катта кишиларнинг ҳам қўлидаги чиқиндини тўғри келган жойга улоқтириб кетишларига дуч келамиз.

Хўш, одамларда чиқиндиларни белгиланган жойга ташлаш одатини қандай шакллантириш мумкин? Шу саволга жавоб излаб, интернетдаги манбалар



билан танишиб чиқдик. Уларнинг катта қисмида бу жараён болаларда кичкиналтигидан, мактаб ёки боча ёшидан бошлаб шакллантирилиши керак, деган фикр илгари сурилган. Масалан, ижтимоий маданияти билан машҳур бўлган Японияда ўқувчилар сиффхоналар ва мактаб ҳудудини ўзлари тазалайди. Уларда махсус “souji”, яъни тазолаш вақти бор, бу орқали болалар шахсий ва жамоавий масъулиятни ҳис қилишни ўрганади. Умуман олганда, Японияда болалар чиқиндиларни ажратишнинг боғча ёшидан ўрганади. Уларга шу пайтданроқ пластик, қоғоз, органик чиқиндиларни алоҳида кутиларга ташлаш уқтирилади. Бу тарбия эса бир умр уларнинг ёдида сақланади.

Замонавий мамлакатлар чиқиндида ортиқча юк эмас, саноатнинг бир бўлаги сифатида қарай бошлаган бир даврда биз бу каби экологик одатларга ўргана олмаётганимиз, албатта, яхши эмас. Интернетдан олинган маълумотларга кўра, ривожланган мамлакатлар таърибаси чиқиндиларнинг 85 фоизини қайта ишлаш мумкин эканини кўрсатади. Масалан, Японияда резина ва кабел буюмларнинг 34 фоизи, шиша буюмларнинг 43, қоғоз ва картоннинг 54 фоизи чиқиндиларни қайта ишлаш эвазига олинади.

Хитойликлар эса алюминий, темир, мис каби металллардан асалган буюмларнинг 33 фоизини, жун, ипак, чарм-атроллик буюмларнинг 34 фоизини турли чиқиндиларни қайта ишлаш ҳисобига олади.

Айрим Европа давлатлари учун чиқинди муҳим маҳсулотга айлانганки, бугунги кунда чиқинди бошқа мамлакатлардан импорт қилиняпти. Масалан, Швеция ҳар йили катта ҳажмда чиқинди импорт қилади. Қизиги, айнан чиқиндини қайта ишлаш саноати натижасида мамлакатда минглаб инсон иш билан

таъминланган. Чиқиндида “нефтдан кейинги табиий бойлик”, дея берилган таърифлар ҳам бор. Агар бу таърифни маъқулласак, демек, биз унга бепарволик қилиб, қайсидир масъола исрофга йўл қўяётган бўламизми? Чиқинди кераксиз жойда ётса, табиат учун нихоятда зарарли, қайта ишланганда эса мўймай даромад манбаи. Турли, мамлакатимизда чиқиндини қайта ишлаш борасида катта лойиҳалар амалга оширилмоқда, бироқ уларнинг қамрови ҳали тўлалигича эҳтиёжни қамраб ололмайди. Қамров деганимиз, улар маҳаллаларда ташкил этилган чиқиндиҳоналардаги чиқиндини қайта ишлашга улгуриши мумкин, бироқ кўча-кўйда, табиат қўйнига, сув ҳавзаларига биз улоқтираётган чиқиндиларни ўз вақтида қайта ишлай олмайдим. Натижада улар тупроққа кўмилиб, экология учун зарарли омилга айланади. Масалан, оддий шиша идиш чириб, бутунлай йўқолиши учун нақд 3 минг йил керак бўларкан. Энди тасаввур қилайлик, эътиборсизлигимиз туфайли неча миллион тонналар чиқинди тупроққа қоришиб, табиатни зарарлаб ётибди! Яхшиям табиатнинг бағрикенг.

Тадқиқотларга кўра, аҳоли гавжум шаҳарларда тупроқнинг салкам 30 фоизи чиқинди билан тўлиб бўлган. Афсуски, ушбу рақам муттасил ўсиб бормоқда. Бу эса барамиздан оғоҳлик, она табиатга ҳайрихоҳлик ҳиссини кучайтириши талаб қилади. Муносабатни эса болаларга гўдакликлдан, ўзимизга эса ҳозирнинг ўзидан бошлаб ўргатиб боришимиз аини муддао.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Эътироф

“Давлатимиз раҳбари эътиборига тушган тадбиркор Шаҳноза Каримова, аввало, ижтимоий кўмакка муҳтож, иқтисодий қийинчиликларга дуч келган аёлларни қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилди, уларнинг орзуларига қанот бўлди. Унинг ташаббуси билан 50 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз ўқитилди, 10 нафар муҳтож аёлга уй-жой сотиб олиши учун бошлангич тўловни тадбиркор ўз зиммасига олди.



ТАДБИРКОР ФАҚАТ ЎЗИНИ ЎЙЛАМАСЛИГИ КЕРАК

Бошланғич 1-бетда

Навоийлик тадбиркор бежиз шундай эътироф этилмади. Ҳақиқатан, айни вақтда тадбиркорлик соҳасида самарали фаолият юритаётган Шаҳноза Каримова аҳоли бандлигини таъминлаш ва муҳтож оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича ҳам эзгу ишларни амалга ошириб келмоқда.

Сифат, яхши хизмат, муомала маданияти, тинимсиз меҳнат ва янгиликка интилиш иштиёқи корхона муваффақиятини таъминлаши шубҳасиз. Шу таъмоиллар асосида фаолият юритаётган “Барака Нон Навоий” МЧЖни бугун навоийликлар яхши билади. Вилоят марказидан туманларгача, доимий мижоздан тортиб, диди нозик истеъмолчигача — барчага бирдек ёқаётган маҳсулотларнинг сони, тури ортиб бормоқда. Бундай натижа ишбилармонга омад қулганидан эмас, тинимсиз меҳнат, бозор талабини ўрганиш ва интилиш маҳсулидир.

Тадбиркор Шаҳноза Каримова ҳам дастлаб фаолиятини бошлаганда қийинчиликларга дуч келган ва уларни матонат билан енгиб ўтган. Навоийлик билан шуғулланадиган турмуш ўртоғи фаолиятини кенгайтириб, янада ривожлантирди. Бугунги кунда йирик



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ХАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



корхонага айланган ушбу масканда тайёрланадиган нон билан банд. Уларнинг 70 фоизи хотин-қизлар. Кичик новвойихонанинг кенгайиши нафақат янги иш ўринлари яратиш, балки 300 турдан ортиқ нон ва нон маҳсулотларини тайёрлаш имконини берди. Аҳолига етказилаётган ширинликларнинг тури эса 200 дан ортиқ.

Қандолат ва нон маҳсулотлари меҳмондўст халқимиз дастурхонининг кўрси. Ўз яқинлиқига тайёрлайдигандек мижозларга етказиб бериладиган ширинликлар, ярим тайёр егуликлар расталарда ўз хариддорини узоқ кутиб қоламайди. Бир зумда харид қилинади, ҳатто моҳир, қаққон пазандалар уларни етказиб беришга улгурмай қоладиган вазиятлар бўлади. Муҳими, корхона ўз иши, ҳаётидан мамнун, миннатдор, кўнгли очик самимий кишилар меҳнат қилади. Уларнинг шукронаси эса бараканинг гарови.

Давлатимиз раҳбари эътиборига тушган тадбиркор Шаҳноза Каримова, аввало, ижтимоий кўмакка муҳтож, иқтисодий қийинчиликларга дуч келган аёлларни қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилди, уларнинг орзуларига қанот бўлди. Унинг ташаббуси билан 50 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз ўқитилди, 10 нафар муҳтож аёлга уй-жой сотиб олиши учун бошлангич тўловни тадбиркор ўз зиммасига олди.

Навоихонани Нортшо Шоумурдованинг ҳаёти тубдан ўзгаришида Шаҳноза Каримованинг ҳиссаси катта. Янги йўл маҳалласида истиқомат қилувчи аёл 2013 йилда бовуқисини йўқотгач, моддий қийинчиликка дуч келди. Эски ҳовли, ноқулай шароит, икки фарзандни вояга етказиш масъулияти хонадон бекасининг эртанги кунга ишончини сўндирганди. Бошқалар каби барча қўлайликларга эга уйда яшаиш мақсади орзулигича қолиши мумкин эди. Тадбиркор Шаҳноза Каримова эҳтиёжманд оиллага янги уй қуриб берди.

— Уйимиз жуда хароб аҳволда, даромадимиз ҳам, яшаш шароитимиз ҳам яхши эмас эди. Биз ҳам яхши уйларда яшарканмизми, деб кўп ўйлардим. Сахий инсонлар бор экан. Ҳозир барча қўлайликлари бор замонавий, шинам уйга эга бўлдик. Фарзандларим жуда хурсанд. Аввал ғамдан йиғласам, бугун кўзимда қувонч кўз ёшлари, — дейди Нортшо Шоумурдова.

Сония Адизованинг ҳам узоқ тумандан шаҳар марказига қатнаб ишлашдек қийинчилиги ортда қолди. Кўп йиллик меҳнати ва фидойилиги учун унга тадбиркор Шаҳноза Каримова томонидан Навоий шаҳридан янги, таъмирланган, барча мебель жиҳозлари, маиший техника воситалари билан таъминланган хонадон туҳфа қилинди.

Бугунги кунда виллоятнинг бошқа туманларида ҳам корхона филиаллари очилмоқда. Ҳозир илк филиал Навбахор туманида иш бошлади. Тумандаги Пахтакор маҳалласида бўш турган бинони ижарога олиб, нон ва нон маҳсулотлари, ширинликлар тайёрлаш цехлари ташкил этган тадбиркор маҳалладаги ижтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизларни банд қилди. Бугунги кунда ишли бўлган эҳтиёжманд аёллар ўз ҳаётидан ҳам, тадбиркордан ҳам миннатдор.

— Маҳалламизда ушбу корхона филиали очилгани биз учун аини муддао бўлди. Ишсизлигим ва фарзанд-

ларимни ўқитаётганимиз туфайли бир оз қийнаётгандик. Шу ерга ишга кирганимдан сўнг қийинчиликларимиз ортда қолди. Сабаби, ойлик маоши яхши ва меҳнат қилиш учун барча шароитлар яратилган. Мен билан бирга ишлаётган хотин-қизлар ҳам яқин кунларгача эҳтиёжманд эди. Ҳозир барчаси шу ердан доимий даромадга эга бўлиб, фаровон ҳаёт кечирмоқда, — дейди Махбуба Донировова.

Албатта, ҳудудларда янги лойиҳалар иш бошлаши ва корхоналар очилиши ўша ернинг маҳаллий аҳолиси учун иш ўринларини яратиши билан аҳамиятлидир. Муҳими, ҳалол даромад инсонларнинг онги, қалби ва дунёқараши ўзгаришига туртки бўляпти. Шу боис, корхона ишчи-ҳодимлари ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришлардан мамнун.

Меҳнат эвазига ҳўрмат, эътибор топган тадбиркорнинг бошқалар тақдирига ҳам бефарқ эмаслиги таҳсинга сазовор. Ҳаёти яхши томонга ўзгарган аёлларнинг дуолари, ишбилармонлар учун яратилаётган имкониятлар кўзланган ва қутилмаган натижалар салмоғини оширади.

Тадбиркор Шаҳноза Каримова 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида “Шухрат” медали билан тақдирланди. Давлатимиз раҳбари қўлидан юксак мукофотни қабул қилгани ишбилармонни нафақат руҳлантирди, балки тадбиркор аёл зиммасига янаам кўпроқ масъулият юклади.

— Инсон қийинчиликлардан кўрқмаслиги керак. Ҳар бир бошланган кичик ҳаракат ҳам меҳнат билан катта муваффақиятларга етаклайди. Бу ҳақиқатда ўз ҳаётида амин бўлдим. Президентимиз “қаҳрамон қизим” деганда, ўзимда янада кучли ишончини ҳис қилдим. Аёл зоти шунчалик қадрланадиган ватанда яшаётганимдан жуда ҳам фахрландим. Ўз олдимга янги мақсадлар қўйдим ва келажакда яна 500 та янги иш ўрни яратмоқчиман, — дейди Шаҳноза Каримова.

Албатта, бахт оддийлик, камтарлик ва саҳийликда. Инсон ҳаёти тўқислиги маблағи миқдори билан эмас, ундан миннатдор кишилар шукронаси билан белгиланади. Бугунги кунда “Барака Нон Навоий” корхонаси савдо дўконлари ёнидан ҳеч бир инсон тўхтамай ўтиб кета олмайди. Билишадиган, бу ерда мижозларни табассум билан қарши оладиган, энг яхши, сифатли маҳсулотларни тақлиф этадиган ҳодимлар ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр, тарбияси, фаолияти билан бошқаларга ибрат бўладиган ҳалол тадбиркор бор.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Академик Шафоат НАМОЗОВ: “ФАН РИВОЖЛАНИШИ УЧТА ОМИЛГА БОҒЛИҚ...”

Глобал клим ўзгаришлари шароитида илгор кимё технологиялари, янги авлод ўғит ва биостимуляторлари, атмосферадаги карбонат ангидрид газини ўзлаштириш орқали иссиқхона эффектини камайтиришга йўналтирилган агро ва биотехнологияларга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда. Шунингдек, озик-овқат хавфсизлигига оид геномика ва биоинформатика, протеомика, фудомикс, биотибиёт ва фармбиотехнология каби янги йўналишларда илмий тадқиқотлар қилиш олимлар олдида турган муҳим вазифадир. Ўзбекистон Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти профессори, академик, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор Шафоат НАМОЗОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.



— Олим, зиёли фитратида ҳаминша юрт тараққиётига дахлдорлик ҳисси уфури туради. Ҳар бир кашфиёт, ҳар бир янгилик ортида ана шу эзгу мақсад мужассам топган. Айтнинг-чи, ноорганик кимё соҳасидаги етук олим сифатида илм-фандаги изланишлар, кашфиётлар бугун мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятига қанчалик ҳисса қўшапти?

— Утган даврга назар ташлар эканман, умрим беҳуда ўтмагандан кўнглимга хотир-жамлик инади. Кимё фанига болалигимдан қизиққанман. Тошкент политехника инсти-тутида ноорганик моддалар технологиясини йўналишида тахсил олдим. Ноорганик кимё институтида аспирантурада ўқидим. Илмий раҳбарим академик Малик Набиев жуда са-лоҳиятли, кучли олим эди.

1988 йилда докторлик диссертациямни ёқладим. Лекан илмий-техник ишланмалар-ни собиқ шўро даврида амалиётга жорий қи-лиш ўта қийин жараён эди. Бизда фосфорли ўғитлар жуда катта муаммо. Пахта ёки буғдойнинг ривожлани-ши учун тупроқда озуқа элементлари жуда муҳим. Батзи олимлар, мутахассислар фик-ринча, уруғ нави яхши бўлса, юқори ҳосилга кафолат бўла олади. Лекан яхши, мўл ва си-фатли ҳосил издан ошқ омилга боғлиқлиги дунё қишлоқ хўжалиги амалиётда исбот-ланган. Биринчи ўринда, албатта, нав ётади. Кейин тупроқ унумдорлиги, сув, об-ҳаво, минерал ўғитлар, ўсимлик зараркунандалар-ига қарши курашиш воситалари бор. Агар нав ота бўлса, она — тупроқ. Тупроқ соғлом бўлиши керак, унга озуқа моддалар бериб турилиши шарт, у шунга талаб қилади. Туп-роқда ҳаёт мавжуд. Озуқа моддалар кўзга кўринмайдиган микроорганизмлар ёрдамида ўсимлик илдизларига етказиб берилади.

Тупроқ унумдорлиги унинг таркибидаги органик моддалар, яъни гумус миқдори билан аниқланади. Сугориладиган ерларимизда гумус миқдори Россия, Украина, Беларусь ва Европа давлатларининг қора тупроқларидагига нисба-тан 6-7 баробар кам. Тупроқдаги гумус миқ-дорини кўпайтиришнинг асосий усулларидан

бири органик ва органиминерал ўғитларни доимий равишда қўллашдир. Ҳар йили соф ҳо-латда тупроқдан 300 минг тоннадан ошқ азот, 150 минг тонна фосфор ва 270 минг тоннадан кўпроқ калий озуқа моддалари ҳосил билан бирга чиқиб кетади. Пахта, буғдой ва бошқа экинлар ҳосилини оширишда навнинг яхши бў-лиши билан бир қаторда органик, органимне-рал, минерал ўғитлар меъёрга берилиши, зарар-кунандаларга қарши ўз вақтида чора-тадбирлар қўллаш, агротехника қоидаларига риоя қилиш, вақтида сугориш керак бўлади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилла-рида фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш кор-хоналари учун асосий хомашё бўлган фос-форитни Қозғистондан валюта ҳисобига сотиб олардик. Бу эса ўғит таннархи кескин ошишига олиб келарди. Мазкур муаммони ҳал қилиш учун импорт фосфорит ўрнига маҳаллий Қизилқум фосфоритларини ишла-тишга қарор қилинди. Япониянинг “Мицуи” корпорацияси “Самарқандкимё” ОАЖда сульфат кислота цехини қуриш ва шу ки-слота асосида оддий суперфосфат ишлаб чиқаришни тақлиф қилганди. Ишлаб чиқа-ришнинг умумий қиймати 80 миллион АҚШ долларини ташкил қиларди. Институтиимиз тақлиф қилган нитрокальций фосфат ўғити (НҚФУ) ишлаб чиқариш технологиясини бойи-тилмаган арзон Қизилқум фосфоритларини паст меъёрга нитрат кислотаси билан қайта ишлашга асосланган бўлиб, жараёнда макс-имал даражада корхонада ишлаб турган уску-налардан фойдаланишга мўлжалланган эди.

Ишлаб чиқаришнинг қиймати Япония-нинг “Мицуи” корпорацияси томонидан тақлиф этилган оддий суперфосфатга қара-ганда бир неча баробар арзон эди. 2005 йилининг 25 майида янги технология синов-дан ўтказилди, нитрокальций фосфат ўғити (НҚФУ)нинг тажриба партияси ишлаб чиқа-рилди. Лабораторияда ишлаб чиқаришда қи-лган тажрибадан санат миқсидда ишлаб чиқариш даражасига ўттиш биздан ва кор-хона мутахассисларидан катта тажриба ва билим талаб қиларди. Технологиани жорий қилишда қатор қийинчиликларга дуч келдик.

Корхона бош муҳандиси Рўздат Ражабов билан бир неча ой корхонада тунаганмиз. Технология йилдан йилга такомиллашиб борди. Ўтган 15 йил ичида 281 миллиард сўмлик 635 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шундан 3 миллион долларлик маҳсулот четга экспорт қилинди.

Олмалик “Аммофос” ОАЖ мутахассис-лари ҳамкорлигида бойитилган Қизилқум фосфорит концентратидан мураккаб аммо-фос ўғити олишнинг самарали технология-сини яратдик ва амалиётга жорий қилинди. Шунингдек, янги турдаги комплекс аммоний сульфатфосфат, супрефос ўғитлари олиш технологиялари яратилди ва ушбу корхонада қўлланила бошланди.

Ҳозирга қадар 780 миллиард сўмлик 250 минг тонна аммоний сульфатфосфат ва 2 миллион тоннадан ошқ супрефос ўғити ишлаб чиқарилди. 300 минг тонна супрефос ва 90 минг тонна аммоний сульфатфосфат 45 миллион долларга экспорт қилинди.

Аммиакли селитра (АС) ўсимликларга тез таъсир қилувчи азотли ўғитлар тур-кумига қиради. Дунё бўйича бир йилда 43 миллион тоннадан кўпроқ АС ишлаб чиқарилди. Ушбу ўғитнинг 2 та камчи-лиги бор. Биринчиси, унинг ёпишқоқлик хусусияти. Уни бартараф қилиш учун амалиётда магнезит, брусит моддалари ишлатилади. Иккинчиси эса жиддийроқ бўлиб, ишлаб чиқаришда, омборларда сақлаш, ташин жараёндарида портлаш хусусиятидир. Кўпгина мамлакатларда шу муҳим ҳодисалар содир бўлган. Ўғитлар технологиясини бўйича илмий тадқиқот қи-лаётган олимларга хавфсиз АС техноло-гияси ишлаб чиқариш вазифаси юклатилди. Кўпгина институтилар, гуруҳлар бу борада янги технологияларни ишлаб чиқди. Тан-ловда биз ғолиб чиқдик. Дунё амалиётда илк бор АС сувоқлиги ва Қизилқум фос-форит қўшимчаси асосида ёпишқоқлик хусусияти бўлмаган, термик барқарор (хавфсиз) азотфосфорли ўғит (АФУ) те-хнологиясининг илмий асослари яратилди ва 2010 йилда “Навоийазот” АЖда жорий этилди. Ҳозирга қадар 250 миллиард сўм-лик 610 минг тонна АФУ ишлаб чиқарилди. 20 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экс-порт қилинди. Шунга ўхшаш оҳақли АС технологиясини ушбу акциядорлик жамия-тида жорий қилиниб, 35 миллиард сўмлик 56 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Нордон қора тупроқларда оҳақли АСнинг самараси юқори бўлади.

Шу кунга қадар институтининг фосфорли ўғитлар лабораторияси олимлари томони-дан жорий этилган технологиялар бўйича 2 триллион 300 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шундан 65 миллион дол-ларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Қанчалик муваффақиятга эришган бўл-майлик, айниқса, охириги йилларда фан ва ишлаб чиқариш билан интеграция оқсоқла-ниб қолганини инкор эта олмаймиз. Қачон-ки, Фанлар академияси, олий ўқув юртли-ри ва ишлаб чиқариш корхоналари билан инте-грация бўлса, шунда янги ишланма ва техно-логиялар самараси кўзга ташланади. Биз бу борада ўз тақлифларимизни бераймиз. Фан ютуқлари иқтисодиёт ривожига ҳисса қў-иши керак. Чунки бугунги давр олдимизга ушбу талабни қўйяпти.

Ишлаб чиқариш билан фан интеграция-си яхшиланса, мукаммал тизим яратилса, ўйлаб-чиқариш, иш жойидан силжиб, анча-мунча янги технологиялар амалиётга жорий

қилинади. Дунё амалиётда иқтисодиётнинг ривожланишида фаннинг улуши 60-65 фоиз-ни ташкил қилиши исботланган.

Ўзбекистон Фанлар академияси олимла-ри олий ўқув юртлири, йирик ишлаб чиқа-риш корхоналари билан ҳамкорлиқда янги самарали технологиялар ва ихтироларни яратиши керак. Бу борада корхона марказий лабораториясида илмий тадқиқот ишлари қилиниши мақсадга мувофиқ. Қобилиятли ёш мутахассис ва муҳандислар фалсафа док-тори (PhD) ва докторлик (DSc) илмий дара-жасини олиш учун диссертацияларни ҳимоя қилиши самарасини беради деб ўйлайман.

— Юртимиз аҳолиси 37 миллиондан ошди, 10-15 йилдан кейин 40-50 миллион-га етиши кутилмоқда. Сугориладиган ер-ларимиз чегараланган, сув етишмаслиги



долзарб масала. Айтнинг-чи, келгусида шунча аҳолини озик-овқат билан таъмин-лаш вазифаси қандай ечилиши?

— Сугориладиган ерларимиз 3,75 мил-лион гектарни ташкил қилади, уни кўпайти-ришнинг имкони бор, аммо сув етишмасли-гидан. Бундан ташқари, шўрланган ер майдони йил сайин кенгайиб бормоқда. Бундай ҳолатда аҳолини озик-овқат билан таъминлаш муам-мосини, фикримча, қуйдагича ҳал қилиш мумкин.

Биринчидан, селекцияларимиз юқори ҳосил берадиган нав яратиши, тупроқ унум-дорлиги органик ўғитлар ҳисобига оши-рилиши, минерал ўғитлар тўлиқ меъёрга берилиши шарт. Ўғитларнинг самараси ҳеч бўлмаганда 25-30 фоиз оширилиши керак бўлади. Агар тупроқда гумус миқдори кўп бўлса, ўғитлар самараси 50 фоизга қадар ошиши исботланган. Бу борада стимуля-торлар ва микроэлементлар ўғитлар билан қўшиб берилса, натижа янада яхши бўлади.

Иккинчидан, шўрланган ерларда пахта, буғдой ва полиз экинларининг шўрга чидам-лилигини оширишнинг ягона усулларидан бири кальций селитрасини кенг миқёсда қўллашдир. Сувда эрийдиган кальций эле-менти токсик тузларнинг салбий таъсири-ни 3-4 баробар камайтиради. Бундан ташқари, кальций нитрати ўта гигроскопик модда бўл-гани сабабли ҳаводан баҳор ва ёз мавсумида намин ўзига тортиб олади, ўсимлик илдизи муайян даражада сув билан таъминланиб туради. Ҳосилдорлик пахтада тектариға



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

5-6 центнер, буғдойда эса 7-8 центнер оша-ди. Кальций нитрати ўзимизда ишлаб чиқа-рилмайди, бизга юқори нархда четдан келти-рилади. Ўзбекистонда ушбу ўғит маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқарилса, нур устига нур бўлади.

Учинчидан, Орол денгизининг қури-ган қисмидан учаётган тузлар миқдорини

қайд этилган. Бундай эътибор кун келиб, ўз самарасини беради.

Фаннинг ривожланиши 3 та омилга бог-лик...

Биринчидан, ёш илмий кадрларга — илмий ҳодим ва докторантларга илмий тадқиқот фаолиятини юқори даражада олиб бориш учун ҳамма шароитлар яратиб бери-лиши зарур. Аксарият ҳолатда уларнинг кўп вақти кимёвий реагентлар, тажриба учун зар-ур воситаларни топишга таянч докторан-турага қабул қилиниши шарт.

Учинчидан, ҳар бир тадқиқотчи илмий ишни бажаришда замонавий ускуналар-дан фойдаланиши ва замонавий кўнмага эга бўлиши талаб этилади. Охириги 3 йил ичида институтилар замонавий ускуналар билан таъминланаяпти. Аммо ушбу ускуна-ларда етарлича малакага эга бўлмаган хо-димлар ишляпти, улар ускуналарда олган илмий маълумотларни таҳлил қилиб бериш қобилиятига эга эмас. Ускуналарни сама-рали ишлата биладиган мутахассислар ке-рак. Аксарият ускуналар ҳафта-сига 1-2 кун ишлайди. Беш йилдан кейин ускуна маъна-вий эскиради, унинг ўрнига янгисини сотиб олишга тўғри келади. Бу муаммонинг ҳам ечими бор. Дунё амалиётда 9 та йирик ил-мий марказ бор. Унинг 60 фоизи АҚШда. Бу илмий марказларда юқори савияли мута-хассислар ўта ноёб ускуналарда тўхтовсиз изланиш олиб боради. Фанлар академияси тасарруфида шундай марказ очиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тайёрланаётган юқори малакали кадрлар сифатини ошириш мақсадида таянч док-торант ва докторантларнинг илмий раҳбар ва маслаҳатчилари 2 нафар бўлиши мақсадга мувофиқ. Биринчиси — маҳаллий мута-хассис, иккинчиси — ривожланган мамла-катларнинг етакчи олим бўлиши керак. Бу илмий изланишлар натижаси ҳақида чоп этилаётган мақоаларларнинг сифатини кўта-риш ва салоҳиятли илмий кадрларни тайёр-лашга олиб келади.

Академия институтиларида ҳам фунда-ментал, ҳам амалий тадқиқот ишлари олиб борилиши шарт. Улар бир-биридан ажратил-маслиги керак. Бунга яққол далилини Россия Федерацияси ва Хитой Фанлар академияси-нинг иш фаолиятига ҳам кўриш мумкин.

Ишлаб чиқилган янги самарали техно-логияларни амалиётга жорий қилишда ҳали ҳам тўсиқлар ва қийинчиликлар бор. Илм-фан ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртаси-да ўзаро мустақам интеграцияни яратишни даврининг ўзи тақозо этаяпти. Бу мамлакта-миз илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўиши, шубҳасиз.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА
суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ ТАЪЛИМ ҲАМКОРЛИГИ: КЕЛАЖАК САРИ ИШОНЧЛИҚ ҚАДАМ

Халқаро алоқалар

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги стратегик шериклик изчил мустақамланиб, таълим ва илм-фан соҳалари янги босқичга кўтарилмоқда. Президентимизнинг шу йил 11-13 март кунлари Францияга давлат ташрифида ана шу йўналишда ҳам муҳим қадамлар қўйилди. Ташриф доирасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш бўйича қўшма декларация имзоланди. Ушбу келишув таълим тизимларини замонавийлаштириш, академик алмашинуви ривожлантириш ва илмий тадқиқотларни кучайтириш борасида катта имкониятлар очили кутилмоқда.

Мамлакатимиз билан стратегик ҳам-корлик юксак кадрланаётганининг исбо-ти сифатида Президентимиз Франция-нинг энг олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирланди. Бу ор-ден Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётгани, мамлакатимиз-даги кенг қўлламли ислохотлар, ташқи сиёсатдаги инсонпарварликка йўғрилган фаол саяй-ҳаракатларнинг юксак эътиро-фи ҳамдир.

Шунингдек, Франция Президентининг расмий қабул маросимида ўзбек тилида сўз-лагани халқимизга алоҳида ғурур бағиш-лади. Унинг “Яшасин Ўзбекистон, яшасин Франция!” деган тилаги икки халқ ўртасида-ги ҳурмат ва дўстлик рамзи сифатида тарих-га муҳрланди.

Ушбу ташриф давомида Ўзбекистон деле-гацияси таркибида Исҳоқхон Ибрагимов ва Наманган давлат чет тиллар институти ва-киллари ҳам Парижда ўтказилган “Илм-фан



ва таълим: Ўзбекистон — Франция кўприги” халқаро конференциясида қатнашди. Тад-бирда олий таълим соҳасида узоқ муддат-ли ҳамкорлиқни ривожлантириш, француз

тилини ўқитиш тизимини такомиллашти-риш ва академик алмашинув дастурларини кенгайтириш бўйича муҳим келишувларга эришилди. Зеро, бугун Франция дунёдаги



энг илгор таълим тизимларидан бирига эга-лик қилади.

Институтиимиз учун энг аҳамиятли на-тижалардан бири — Франциянинг етакчи таълим муассасалари билан имзоланган келишувлар бўлди. Мазкур келишувлар асосида институтиимиз учун қатор йирик лойиҳалар белгилаб олинди. Жумладан, шу йил августда институтиимизнинг 8 профес-сор-ўқитувчиси Франкофония халқаро таш-килоти базасида малака оширади. 2025/2026 ўқув йилида Sorbonne Paris Nord (Париж Шимолий Сорбонна) университетини билан ҳамкорлиқда 50 талаба учун онлайн маъру-залар ташкил этилади. Erasmus+ дастури-нинг Capacity Building (салоҳиятни ошириш) йўналиши доирасида француз тилини ўқи-тиш бўйича инновацион лойиҳалар амалга оширилади.

Франция билан ҳамкорлик институтиимиз-нинг хорижий тилларни ўқитиш тизимини тубдан такомиллаштириш, талабаларнинг академик алмашинув дастурларида фаол

қатнашиши ва илмий тадқиқотлар соҳасида халқаро интеграцияни кенгайтиришга хизм-мат қилади. Бугун институтиимизда 69 талаба француз тилини асосий мутахассислик си-фатида, 245 йилит-қиз эса иккинчи тил сифа-тида ўрганмоқда.

Олий таълим муассасамиз француз тили-ни ўқитиш бўйича Франкофония марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурмоқда. Бу марказ орқали талабалар ва профес-сор-ўқитувчилар француз тилини чуқур ўр-ганиш, халқаро илмий тадқиқотлар ўтказиш ва академик алмашинув дастурларида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Бугун институтиимиз буюк маърифатпар-вар ва тилшунос олим Исҳоқхон Ибрагимов маъ-навий меросига содиқ қолган ҳолда халқаро ҳамкорлик, илмий тадқиқот ва таълим сифа-тини ошириш йўналишида жаҳон стандар-тларида моё фаолият юритишга интилиб кел-моқда. Талабаларимиз халқаро танловларда фаол қатнашиб, хорижий тилларни пухта ўзлаштириш орқали Ўзбекистонни халқаро илмий майдонда танитишга ҳисса қўш-моқда. Хусусан, 2023 йилда талабаларимиз Франция элчихонаси томонидан ўтказил-ган Journées de la Francophonie фестивалида “Ибрагимов” номли театр кўрсини билан қатна-шиб, юксак эътирофга сазовор бўлди.

Президентимизнинг ушбу тарихий таш-рифи ва таълим соҳасига оид келишувлар келгуси авлод учун янги имкониятлар очиб, халқаро илмий ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллашимизга хизмат қилади.

Ривожддин КАРИМОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент



Исмоил САИФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Кўзланган мақсадга, албатта, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни сақлаб қолиш, қадриятларга содиқ қолган ҳолда замонавийликка эришиш, бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, қисқача қилиб айтганда, миллий маънавиятимизни юксалтириш орқалигина эришишимиз мумкин. Зеро, фақатгина маънавиятчи шахсни, халқни, миллатни энгиб бўлмайди.

Ўтган асрнинг бошларида яшаб ижод қилган жадидлик намоёндалари буни теран англаган ҳолда жамиятни маънавий-маърифий ривожлантириш, халқни, айниқса, ёшларни илм-маърифатга етаклашни ўзининг юксак мақсади қилиб белгиланган. Улар ёшлар тарбиясида диний ва дунёвий билимларни бир-биридан ажратмай, миллий ўзликни сақлаган ҳолда замонавийликка эришишга ҳаракат қилган. Жадидлик ҳаракати миллий уйғонш, миллий озодлик ҳаракати эди.

Жадид боболаримиз ўз атрофида бутун халқни жиқсаштиришга ҳаракат қилди. Бунинг учун дастлаб янги усул мактабларига асос солиб, диний фанлар билан бирга дунёвий фанларни ўқитишни йўлга қўйди. Истеъдодли ёшларни хорижда ўқитиш, уларни қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, молия, тиббиёт ва бошқа замонавий соҳалар бўйича етук мутахассислар этиб тайёрлашни мақсад қилди. Ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратди. Миллий театр ва миллий матбуотга асос солди. Улар ўз даврида миллатга ва жамиятга катта наф келтирди. Шу нуктадан назардан, жадидлар меросига катта эътибор қаратилган, уларнинг илмий меросини тадқиқ қилиш кун тартибидagi муҳим вазифага айланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”-ги қарори тараққиётпарвар аждодларимиз ҳаёти, илмий меросини ўрганишда янги босқинчи бошлаб берди, десак янглишмаган бўламиз. Зеро, Маҳмудхўжа Бехбудий халқни илм-маърифатли бўлишга чорлаб, жамиятнинг дунёга очиқ кўз билан қараши, замонавий хўжалик юритишда билим, фан билан қуролланиб, фаоллик кўрсатишни талаб қилган. Аллома “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”, деган ҳаққоний фикрлари билан халқни уйғотишга ҳаракат қилган. Тараққиётга элтадиган, бирдан-бир ишга яроқли тарбия усули сифатида Исмоил Гаспиралининг “Усули жадид”ини тинмай тарғиб қилади. Ҳаётнинг турли соҳаларига тааллуқли, замон руҳидаги билимларни юксак тарбиявий талабчанлик билан бошқаларга қараганда қизиқарлироқ, оддийроқ тарзда халқ тилида ёйишга ҳаракат қилди.

Бехбудийнинг ёшларимизга ўрнак бўладиган жиҳати кўп. Энг аввало, 25 ёшдада жорий этишга интилган. Шахсий маънави ҳисобидан кўплаб мактаблар очган. Миллатни мудом маърифатга, эзуликка ундаган. Диндор бўлишга қарамай, ёшларни дунёвий билимларни олишга чорлаган.

Унинг таълим-тарбия, драматургия, таржимашунослик ёки журналистлик фаолияти тўғрисида гапиримиз, шу орқали эрк ва озодликни тарғиб этганига эътибор қаратамиз. Ваҳоланки, Бехбудий ўз даврнинг диний

ЁХУД МАЪРИФАТПАРВАР БОБОМИЗНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИГА БИР НАЗАР

Янги Ўзбекистон ғоясининг асосий мақсадларидан бири келажак пойдевори бўлган ёшларни нафақат ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий, балки маънавий-маданий, ижтимоий ва ахлоқий етук, мустақил фикрловчи баркамол авлод этиб вояга етказишдир. Жаҳонда кечаётган шиддатли геосиёсий курашлар, дунёни қайтадан бўлиб олиш, ёшлар қалби ва онгини забт этишга қаратилган курашлар, зиддиятлар шуни тақозо этади.

уламоси, яъни муфтий, маърифатпарвар адиби эди.

1875 йили Самарқандда туғилган, Яссавий авлодидан бўлган Бехбудий 18 ёшидан қозихонада мирзалик қилади, қози, муфтий даражасига кўтарилади. Бехбудий ҳаж сафарига бўлган чоғида Арабистон, Миср, Туркияни кезиб чиққан. Саёҳати давомида янги мактаб (усули жадид) очиш фикри мустақамланиб борди. Самарқанд яқинидаги Халвоний қишлоғида Азжий, Ражабаминда Абдулқодир Шакуррий билан ҳамкорликда янги мактаб очади. Бехбудий Қозон ва Уфага бориб, у ердаги янги усул мактаблари билан танишади, татар зиёлилари билан алоқани йўлга қўяди. Янги мактаблар учун дарсликлар тузишга киришади.

“Рисолаи асобии савод” (“Савод чиқариш китоби”), “Рисолаи журғофияи умроний” (“Аҳоли географиясига кириш”), “Мунтахаби журғофияи умумий” (“Қисқача умумий география”), “Китобат ул-аффон” (“Болалар хати”), “Амалиётни ислом”, “Тарихи ислом” каби китоблар чоп этиради. Шунинг учун ҳам мактаблар ислохоти ва мамлакат тараққиёти масаласи унинг чиқишларида уйғун олиб борилади. “Бошқа миллатларга қаралса, кўрилури, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки “дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур”.

Жадид мактаблари моҳиятини Бехбудий қисқа ва лўнда қилиб бундай талқин этади: “... Замона ҳар куни янгилашур. Янги илм ва янги фикрлар ва фунуни замониани дарбар (ўзига сақлаган, ташувчи) қилган одамларни талаб қилур”. Бинобарин ана шундай одамларни ўқитиб, тарбиялаб етиштириш жадид мактабларининг мақсади бўлган. Лекин “жоҳилона таассублик”ка берилган, қадимчилар ҳисобланган кишилар бу мақсад моҳиятини тушунмас, жиддий қаршилиқлар қилар эди. Уларга қарши Бехбудий бир оғиз сўз билан “Келар замон учун ҳозирланайлуқ, ўтган замон учун эмас”, дея жавоб беради.

Бехбудийнинг Туркия, Миср, Крим, Кавказ, Қозон, Россия, Юнонистон, Болгария, Австрия, Германия, Украина, Саудия Арабистони, Сурья ва бошқа қатор юртларда бўлиб, таълим ҳақида маълумотлар олгани мактаблар ислохоти борасидаги қарашларини такомиллаштирди. Таълимда илгор мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда ҳам пешқадамлигига ҳавас билан қаради. Туркистон ҳам ана шундай давлатлар қаторида бўлишини орзу қилди.



1914 йилда “Ойина” журналида босилган “Муҳтарам ёшларга мурожаат”ида надомат билан бундай фикрларни ёзади: “Ер юзидаги барча миллатлар ўз болаларини(нг) ибтидоий тарбиясига ва мактабларнинг ҳар жиҳатдан интизоми ва акмолига аҳамият беруб болаларини миллий ва диний руҳда мукаммал етүшдурарлар. Анинг учундурки, ўзга миллатлар диний ва миллий ҳиссиётга молик бўлүб, ҳар ишда диёнат ва миллиятни муқаддам тутарлар”. Унинг фикрича, бу ҳиссиётни мактаблар тарбиялаши керак. Жадидлар устози мактабларни “тараққиининг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозаси” деб билади.

У келажак даврни “тамаддун асри” деб атайдди. Бундай даврда замонавий илмларсиз, қуруқ, чирик тафаккур билан яшаб бўлмайди. Шунинг учун у жадид мактабларида кўпроқ замонавий, дунёвий фанларни ўзлаштиришга диққат қаратади. Дунёвий фанларни эса жаҳоннинг тараққий қилган халқлари илм-фани орқали ўрганиш кўзда тутилади.

“Ойина” журналининг биринчи сонидак “Икки эмас, тўрт тил лозим” деган мақола



билан чиқиб, ўзбек, тожик, араб, рус ва ҳатто бирор узоқ хориж (масалан, француз) тилини билиш шарт, дейди. Улуг маърифатпарвар ёшларни замон билан ҳамнафас бўлиш, замонавий илмларни ўрганишга шу қадар кўп ташвиқ қиладикки, ҳатто бутун ҳам бу фикрлар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Бехбудийнинг замонавий илмларга даъвати ҳамон долзарб бўлгани каби уларни эгаллашда монелик қиладиган иллатлардан ҳам халос бўлмадик, балки улар ортмоқда.



Жадидлар пешвоси “Падарқуш” номли биринчи ўзбек драмасини ёзиш ва сахналаштириш орқали миллий театрнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. “Падарқуш” ўқимаган, жоҳил ва нодон боланинг ўз отасини ўлдиргани ҳақида эди. Бехбудий бу асар жанрини “миллий фожиа” деб атаган. Асар Самарқандда 1914 йил 25 январда сахнага қўйилди. Драма халққа кучли таъсир кўрсатади.

Мутафаккирнинг қарашлари бугунги кунимизга ҳам мос деб ўйлайман. Ёшларимизнинг илм, замонавий технологиялар, сунъий интеллектни ўрганиши, ўзлаштиришига катта эътибор қаратилаётган бир пайтда уларнинг муайян қисми бозорда, кўча-кўйда олибсотарлик қилиш, мавсумий ишларда

отасини ўлдиргани ҳақида эди. Бехбудий бу асар жанрини “миллий фожиа” деб атаган. Асар Самарқандда 1914 йил 25 январда сахнага қўйилди. Драма халққа кучли таъсир кўрсатади.

Абдулло Қодирий “Бахтсиз қувё” драмасини шунинг таъсирида ёзгани маълум. “Падарқуш” ҳам жанр, ҳам мазмунига кўра, янги ўзбек адабиётини бошлаб берган асар бўлди. Драма Тошкентда 1914 йил 27 февралда Авлоний томонидан қайта сахналаштирилди. Бехбудий театрни тушунмай, уни дин йўли билан ман қилишга уринувчи кимсаларга “Падарқуш”ни мисол қилиб: “Муҳтарам ҳамшаҳарларимиздан рижо этаримизки, келиб кўргонлари гунаҳ бўлгон жойини кўрсатсалар”, дейди.

Бехбудий матбуот равнақиға ҳам катта ҳисса қўйди. “Самарқанд” газетасини чиқаради. Газета ўзбек ва тожик тилларида, ҳафтада 2 марта чоп этилди. Бехбудий матбуотимиз тарихида мақоланавис сифатида алоҳида даврга эга. Унинг ҳозирча аниқланган мақолалари сони 300 тага етади. Улар хилма-хил мавзуда. Илк мақолаларидаёқ коммунистлик мафқурани кескин рад этган, “хаёлий”, “бу тоифага қўшулмоқ деб, мусулмонлар учун ниҳоятда зарарлик” деб ёзган эди (“Хайрул умури авсатухо” — “Ишларнинг яхшиси ўртасидир”, “Хуриш” газетаси, 1906, 6-сон).

1917 йилнинг охири — 1918 йилнинг бошларида жадидлар қурган илк демократик давлатчилик намунаси — Туркистон мухториятининг тақдир ҳал бўлаётган бир пайтда ўлка халқларини бирликка қақиради. Бехбудий ижтимоий-сиёсий ишларга қизиган бўлиб, унинг фикрлари умумлаштириб хулоса қилинадиган бўлса, Туркистон халқининг ҳар бир аъзосини ўқимишли, миллий қадриятлар жонқуяр, ўзлигини англаган, жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларидан баҳраманд, улар истифодасига қодир, миллий тараққиётга монелик қилувчи иллатлар билан халос бўлган ва уларга қарши курашувчи шахслардан иборат бир жамият, яъни юксак маданиятли ва маънавиятли жамият орзу қилган.

“Оҳ! Биз қандай кейин қолганмиз. Халқи олам усули жадид ва илми замоний ила осмонларга учар, биз ҳануз бир-биримизни тақфир (кофирга чиқариш) ва талъин (лаънатлаш) ила вақт ўтқарурмиз”, дейди у. Кўзлангандек жамият аъзолари бўлиши, жаҳонда муносиб ўрин эгаллаши учун миллатдошларнинг икки эмас, тўрт тил билиши лозимлиги кун тартибига жиддий масала қилиб қўйилади. Чиқишларидан бирида

маълум бир шаҳарда яҳудийлар ўликларини оқшом элиб кўмишларини эслаиб, бунга уларнинг қундузи одамларни ишдан қолдирмаслик мақсади сабаб эканини таъкидлайди. Бизда бўлса, тўй, маъракалар учун ҳафталар, баъзан ойлар улоқ кетишдан озорланади. Шунингдек, ёшларни вақтнинг қадрига етишга, уни имкон қадар илм-фан ўрганишга сарфлашга даъват этади.

Маҳмудхўжа аёлларнинг илмий бўлишига бефарқ эмасди. Туркистон жадидларининг асосий мақсади аёлларнинг ҳам дунёвий билимларни эгаллашига йўл очиб бериш эди. “Тил масаласи” мақоласида “Тараққий этган миллатларни оналари ўқитар экан, биз аввал онамизни ўқутуб, анга тил ўргатмоғимиз керак. Чунки бизни илм ва тилсизлигимиз алардандир”, дея бежиз ёзмаган. Яъни фарзандларимизнинг илмий бўлиши аёлга, онага боғлиқлигини исботлаб берган.

Бехбудий дин ҳимоячиси сифатида ҳам ёшларга дунёвий илмларни пухта ўрганиш диний эътиқодни кучайтириши тўғрисида мисоллар келтириб, ўнгит беради: “Зотан, исломият шундай бир дини матин ва қобили тараққийдурки, нақадар илми замоний кўп ўқуса, инсонни яна дини исломга ақидаси шунча мустаҳкам бўлур”.

Афсуски, миллатимизнинг илгор зиёлилари эрта сўндирилди. Биргина 1937-1938 йилларда 7000 га яқин, умуман олганда, 1937-1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг одам қатғонга учраган, уларнинг 13 мингги ўлдирилган. Ўша даврдаги сиёсий қатғон асосан, интеллектуал элита — зиёлилар, олимлар ва ижодкорларга қаратилган эди. Халқнинг маданий, илмий ва сиёсий ҳаётида етакчи аҳамиятга эга бўлгани сабабли улар потенциал таҳдид сифатида қўрилган.

Ҳозир миллий маданиятимизни тиклаш ва ривожлантириш учун зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бироқ қатғон даврида йўқотилган асарлар, илмий мактаблар ва анъаналарни тиклаш осон эмас. Шунга қарамай, бу борадаги ишларни изчил давом эттириш анъанага айланди.

Президентимиз қарори асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Бехбудий таваллудининг 150 йиллигига бағишланган илмий-маърифий анжуманлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтаетган экан, буларнинг бари миллат ойдинларининг ибратли фаолиятини ўрганиш ва тарғиб этишда янги имкониятларни очиб бериши аниқ. Хусусан, унинг “Танланган асарлар” тўплами, ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий-оммабоп китоблари нашрга тайёрланиб, чоп этилиши, Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида спектакллар сахналаштирилиши ҳамда бугунга қадар яратилган “Маҳмудхўжа Бехбудий” киносериали ва “Халқ юрағи” бадиий-публицистик фильмларининг оммавий намойиши ўтказилиши, 2025 йил октябрда “Маҳмудхўжа Бехбудий мероси ва жадидлик ҳаракатини ўрганишининг долзарб масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция, ноябрда эса тантанали адабий-маърифий хотира кечаси ташкил этилиши каби чора-тадбирлар алломанинг ҳаёти, ижодий мероси ва эришган ютуқлари Ўзбекистон тарихида қандай муҳим ўрин тутишини халқимизга англатишда катта аҳамиятга эга.

Эътибор берсак, қатғон қурбонлари хотирасига бағишланган қанчадан-қанча асарлар, фильмлар яратилаётир. Бой ва қадимий тарихимизга янги нигоҳ билан қараш, очилмаган саҳифаларини ўрганиш, бузиб талқин қилинган жойларни ҳолисона илмий тадқиқ этишга киришилгани қувонарли. Бугун жадидлик ҳаракати тарихини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир паллада олимларимиз кўпроқ жадидларнинг қатғон қилиниши масаласига аҳамият бермоқда.

Аммо қатғонгача бўлган даврда жадидларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараёнда тутган ўрни кенг тадқиқ қилинмапти, назаримизда. Халқимиз уларни фақат қатғон қурбонига айланган жабрдийдалар сифатида танияпти. Жадид боболаримиз ҳар бирининг ибратли ҳаёти йўли, ижтимоий-сиёсий фаолияти, илмий ва маънавий мероси бор. Буларни янада чуқур ўрганишимиз керак. Ёшлар орасида уларнинг ҳаёт йўлини кўпроқ тарғиб қилиши лозим. Зеро, жадидларнинг фалсафий қарашларидаги динийлик ва дунёвийлик уйғунлиги жамиятимиз тараққиётида йўлчи юлдуз бўлиши аниқ. Шу билан бирга, тарихнинг очилмаган қирраларини тадқиқ қилиш орқали ёшларимизга мустақилликнинг бебаҳо неъмат эканини англатиш, истиқлолни кўз қорачиқидек асраш муқаддаслигини тушунтиришга хизмат қилган бўламиз.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-346.
37346 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусахҳис: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 00:10 Тошпирилди — 00:25